Халқ денгиздир, халқ тўлқиндир, халқ кучдир!

ХАЛҚ СЎЗИ

خلق سوزی

1991 ЙИЛ 2 ФЕВРАЛЬ ШАНБА
№ 25
ХИЖРИЙ:
ҚАМАРИЙ 1411 ЙИЛ РАЖАБ, 18-КУН
ШАМСИЙ 1369 ЙИЛ ДАЛВ, 15-КУН

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ КЕНГАШИНИНГ РЎЗНОМАСИ

1991 йил 1 январда таваллуд топган

НАРХИ обуначига 7 тийин, сотувда 10 тийин.

Ислом КАРИМОВ: «ИҚТИСОДИЙ ОМИЛЛАР АМАЛ ҚИЛСА, «ТЕМИР ҚЎЛГА» ҲОЖАТ ҚОЛМАЙДИ»

Умид учқунлари ҳали сўнмаган кўринади: ўтган йили Ўзбекистонда саноат ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши ҳажмлари ўсиши таъминланди. Мана шу далил республика Президенти И. Каримов билан суҳбатимизга сабаб бўлди.

— Ислом Абдуғаниевич, республикада хўжаликни барқарор юритишга қандай қилиб эришилаяпти? Ахир нохуш жараёнлар Ўзбекистонни ҳам четлаб ўтмаганку...

— Бутун мамлакатимиз учун «қаттиқ қўл»ни қидирмасдан, балки ўйлаб қўйилган режаларни қатъият ва изчиллик билан адо этиш керак. Бизда Шўроларга сайловларда компартиянинг энг яхши вакиллари муносиб тарзда ўзларини кўрсатдилар. Ҳозирги пайтда сайлаб қўйиладиган органларда раҳбарлик тажрибасига эга бўлган кишилар оз эмас. Бу ҳолат партия сафларини тозалаш жараёни билан қўшиб олиб борилаётгани сабабли ўз самараларини бермоқда. Республикамиздаги Шўролар фақат гап билан шуғулланишмайди, амалий ҳаракат қилишни ҳам билишади. Биз янги уй қурмоқдамиз, эскисини дарҳол бузиб ташлаётганимиз йўқ. Шунинг учун ҳам одатда қуруқ сўз билан тўлдириладиган ҳокимият бўшлиги пайдо бўлмаяпти.

— Буни далиллар билан изоҳлаб бериш мумкинми?

— Баҳо кўрсаткичлари бўйича республика ўз мажбуриятларини 98,5 фоиз адо этди. Иттифоқ эса Ўзбекистонга нисбатан мажбуриятларини 57—58 фоиз бажарди, холос. Бизда ҳосил нобудгарчилигига йўл қўйилмади, уни энг қулай муддатларда йиғиштириб олдик. Бунинг учун таомилдагидек омиллар вужудга келтирилди. Қўлда терилган ҳар килограмм пахта учун 25 тийиндан ҳақ тўланди, ваҳоланки яқин-яқинларда ҳам бор-йўғи 5 тийин беришарди. Машина терими учун тўланадиган ҳақ ҳам оширилди. Техникани таъмирлаш муаммоси енгиллашди — механизаторлар уни доимий шай ҳолатда сақлашдан манфаатдор бўлиб қолдилар. Биринчи маротаба дала ишларига ўн минглаб талабалар ва мактаб ўқувчиларини жалб этишга эҳтиёж йўқолди. Бунинг устига республика фоидидан 8 мингта енгил машинани мавсумда 150 тонна ва ундан ортиқ пахта терган механизаторларга сотишга қарор қилинди. Аммо натижалар шундай юқори бўлдики, маррани 250 тонна даражасига кўтаришга тўғри келди. Шунинг ўзиёқ «беқадр» пулларнинг бир қисмини ҳаракатга келтириш имконини берди. Қандайдир «темир қўл» эмас, балки ҳақиқий иқтисодий омил ҳаракат қилди. Бинобарин, биз пахта майдонини қисқартирган ҳолда аввалги йиллар даражасида ҳосил йиғиштириб олдик.

— Бу билан нималарга эга бўлинди?

— Неча ўн минглаб гектар ерни томорқа сифатида аҳолига тақсимлаб бердик. Бу якка тартибда қурилиш олиб боришга рағбат уйғотди. Натижада фойдаланишга топширилган турар жой йигирма фоиз кўп бўлди. Одамларда бунёдкорликка иштиёқ ҳали сўнмаган экан, минглаб ишсизларни юмуш билан таъминладик. Шуни ҳам айтиш кераки, томорқа майдонлари республикада экинзорларнинг бир неча фоизинигина эгаллагани ҳолда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг 40 фоизга яқининини бермоқда. Кузда бозорлардаги нарх-наво қандай бўлганини биласизми? Помидор — килограмми 25 тийин. Узум — 60—70 тийин. Қовун — 30, тарвуз — 25 тийин ва ҳоказо.

Аҳоли қўшимча даромадининг имкониятларига ҳам етарли баҳо бермаслик мумкин эмас. Ахир Ўзбекистонда жон бошига истеъмол қилиш мамлакатдаги ўртача кўрсаткичдан икки баравардан зиёдроқ камдир. Бинобарин, кўпболали оилаларга томорқа майдонлари айниқса зарур. Аёллар уй-рўзғордан ажралмаган ҳолда ишлашлари мумкин. Биз ўз томорқасида банд бўлганларга меҳнат дафтарчаси берамиз. Ишсизлар сони 250—300 минг нафар камайди. Айтганча, бекор қолган аҳоли ҳар бир қишлоқда қатъий рўйхат қилиб борилаяпти. 9 миллион киши бечораҳол кун кечираётган бизнинг республикамизда бу жуда катта муаммо ҳисобланади.

— Ислом Абдуғаниевич, назаримизда, беғубор манзара намоён бўлаётгандек...

— Ундай эмас, муаммолар ошиб-тошиб ётибди, албатта. Масалан, иттифоқ ҳукуматининг чорва молларининг харид нархини ошириш ҳақидаги қарорини олиб кўрайлик. Пахта яккаҳокимлиги зўр бериб тиқиштирилганининг оқибати нима бўлди? Эндиликда биз истеъмол қилинаётган гўштнинг ярмини республика ташқарисидан ташиб келишга мажбурмиз. Демак, яна 2 миллиард 300 миллион сўм керак бўлади. Шунча пулни қаердан оламиз? Ўзбекистоннинг бюджетидаги тақчиллик келаси йили 10 миллиард сўмни ташкил этади. Одамларни гўшт билан қандай қилиб боқамиз? У ҳозирги пайтда аҳоли жон бошига республикада йилига 30 килограммдан тўғри келади, яъни мамлакатдаги ўртача кўрсаткичдан икки баравардан зиёдроқ кам.

Бундай қарорларни келишиб туриб қабул қилиш керак. Янги Иттифоқ шартномаси тузилаётганда марказ ва федерация субъектларининг ваколатларини аниқлаб қўйиш жуда катта аҳамиятга эга. Биз федерацияни ёқлаётган эканмиз, ўз вазифамиз бошқача тарзда тақсимланишига асло рози бўлмаймиз. Юқоридан туриб пахта тайёрлаш режаларини белгилаб беришнинг аччиқ сабоғи кўзимизни очиши керак-ку, ахир.

— Дарҳақиқат, ўттизинчи йилларда ўртага ташланган СССРнинг «пахта мустақиллиги» шиори Ўзбекистоннинг гўшт ва унга қарамлигини вужудга келтирди. Республика ҳозирги пайтда кундалик эҳтиёж товарларининг ярмини ташқаридан олиб келишга мажбур бўлмоқда...

— Одамларнинг манфаатларига зид ҳаракат қиладиган иқтисодиётни тушуниш қийин. Яккаҳокимлик алмашлаб экишни бузиб юборади, кўпдан-кўп заҳарли дорилар қўллашни талаб этади. Бизда болалар ўлими, аёлларнинг касалга чалинишлари ниҳоятда юқори даражага етганлиги бежиз эмас.

— Ўзбекистонда мана шу йўналишда яна қандай чоралар кўрилди?

— Чорвачиликни ривожлантириш учун аҳолига ем-хашак ажратмоқдамиз. Бошланғич синф ўқувчиларига бепул нонушта, пенсионерлар, уруш қатнашчилари, мактаб ўқитувчилари, талабалар, кўпболали оналарга имтиёзлар ва ёрдам — ҳаммасини санаб чиқиш қийин.

Бироқ моддий манфаатнинг ўзигина муҳим эмас. Маънавий ва ахлоқий-руҳий кўтарилиш бўлган вазиятдагина олға томон силжиш мумкин. Масалан, ўтган йили биз биринчи маротаба Наврўзни миллий байрам деб эълон қилдик. Илгари эса уни ўтмиш сарқити сифатида таъқиқлаб қўйишганди. Агар шу жиҳатдан қарасак, айтиш кераки, асло ундай эмас. Наврўз қуёш календари бўйича Янги йил байрами ҳисобланади, у кўкламги кун билан туннинг тенг келган палласидир. Наврўз қадим-қадимлардан байрам қилиб келинган. У ҳамиша баҳорда нишонланган. Оғир шароитда, камбағалчиликда яшаган одамлар шуни яхши билганларки, агар ерда янги ўт, майса пайдо бўлган экан, бу ёғига яшаб кетадилар, ёмон кунлар ортда қолган. Наврўзда ҳар ким топганини байрам дастурхонига қўйган. Ўтган йил мартида халқимиз Наврўзни нақадар кўтаринки руҳда нишонлаганини кўрсангиз эди.

«Республика — марказ» муаммосига қайтарканман, шундай демоқчиман: менда Москвада жойлардаги сиёсий ҳароратни ҳамиша ҳам ҳис этишаётгани йўқ, деган таассурот пайдо бўлмоқда. Бир қатор республикаларнинг раҳбарлари аҳволни барқарорлаштириш юзасидан сарф қилишаётган куч-ғайратларга етарли баҳо берилмаяпти.

— Ишончимиз комилки, булар республика учун рамзий маънога эга, унинг яхши кунлари ҳали олдинда. Ўзбекистон Президенти сифатида сизга, Ислом Абдуғаниевич, шуни истаймиз.

Давлатимиз кемаси ҳозирги пайтда кучли довулга дуч келди. У қандай қилиб бунга бардош бериши, ишончли йўлдан четга чиқмаслиги мумкин? Бунинг учун фақат олтин, мис ва пахтанинг ўзигина кифоя қилмайди, бошқа салмоқлироқ нарсалар ҳам керак. Нимани назарда тутмоқдамиз? Кўпмиллионли меҳнатсевар халқларни. Уларнинг миллий табиатида ҳокимият муассасасига мойиллик бор. Бироқ бу гап қонунчилик ва тартибни таъмин эта оладиган ҳокимиятгагина тааллуқли.

СССР халқ депутатларининг IV съездида И. Каримов шундай деди: «Бизнинг ишончимиз комилки, сиёсий-иқтисодий соҳалардаги ислоҳотларни рўёбга чиқаришда интизом ва тартиб бирламчи ҳисобланади. Бу йўлни биз ҳаётда қатъий амалга оширмоқдамиз, бошқарув «жилови»ни қўлдан чиқараётганимиз йўқ, чиқармоқчи ҳам эмасмиз, чунки шуни яхши биламиз — кейин уни қўлга қайтариб олиш қийин ёки умуман мумкин бўлмай қолади».

Ю. ВОРОБЬЕВСКИЙ,
Т. ЯҲЕЕВ,
ТАССнинг махсус мухбирлари — махсусан «Правительственный вестник» учун.

Тошкент шаҳри.

(«Правительственный вестник» ҳафтаномасининг 1991 йил 4-сонидан).

СОВЕТ ИТТИФОҚИ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ БИЛАН МАРКАЗИЙ НАЗОРАТ КОМИССИЯСИНИНГ ҚЎШМА ПЛЕНУМИ ТЎҒРИСИДА

АХБОРОТ

1991 йил 31 январь куни КПСС Марказий Комитети билан Марказий назорат комиссиясининг қўшма пленуми бўлиб ўтди.

Пленум муҳокамасига қуйидаги масалалар қўйилди:

1. Ҳозирги пайт тўғрисида.
2. КПСС Уставини рўйхатдан ўтказишга тайёргарлик кўриш ҳақида.
3. КПССнинг меъёрий-усулий ҳужжатлари ҳамда партия ташкилотларини ташкилий-сиёсий жиҳатдан мустаҳкамлаш тўғрисида.
4. Иттифоқдош республикалар компартияларининг 1991 йилги бюджети ҳақида.
5. Ташкилий масалалар.

Пленумни КПСС Марказий Комитетининг Бош котиби М. С. Горбачев очди.

Пленум ишида КПССнинг марказий сайлов органлари таркибига кирмаган партия республика, ўлка, вилоят, округ комитетларининг биринчи котиблари, иттифоқдош республикалар Компартиялари Марказий Комитетларининг иккинчи котиблари ва назорат комиссияларининг раислари, КПССдан сайланган СССР халқ депутатлари, партия рўзномалари ва ойномаларининг муҳаррирлари, СССР Қуролли кучларининг, баъзи идоралар ва ташкилотларнинг вакиллари қатнашдилар.

Биринчи масала юзасидан КПСС Марказий Комитети Бош котибининг ўринбосари В. А. Ивашко ахборот берди.

Мунозарада Москва шаҳар партия комитетининг биринчи котиби Ю. А. Прокофьев, Приморье ўлкаси Партизанск шаҳридаги «Центральная» шахтасининг электр слесари П. А. Жиганов, Томск вилоят партия комитетининг биринчи котиби А. А. Поморов, Белоруссия Компартияси Витебск вилоят комитетининг биринчи котиби В. В. Григорьев, РСФСР Компартияси Марказий Комитетининг биринчи котиби И. К. Полозков, Литва ССР Вильнюс радио ўлчов асбоблари илмий тадқиқот институти партқомининг котиби В. А. Антонов, Украина Компартияси Марказий Комитетининг биринчи котиби С. И. Гуренко, Ўзбекистон ССР, Ленин номли жамоа хўжалиги раиси Р. Отажонов, КПСС Марказий назорат комиссияси раисининг биринчи ўринбосари Е. Н. Махов, Пермь вилоят партия комитетининг биринчи котиби Е. Н. Чернишов, Ленинград вилоят партия комитетининг котиби Е. И. Калинина, Қозоғистон ССР «Карагандауголь» ишлаб чиқариш бирлашмасига қарашли «Октябрь инқилоби 50 йиллиги» шахтаси партқомининг котиби П. М. Мельников, Доғистон республика партия комитетининг биринчи котиби М. Г. Алиев, СССР Олий Кенгаши Миллатлар Кенгаши раисининг ўринбосари Б. И. Олейник, Москва шаҳар, Москва темир йўли 3-Москва локомотив депосининг машинисти Ю. В. Лавренов, «Учительская газета»нинг бош муҳаррири Г. Н. Селезнев, Латвия Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи котиби В. Ф. Римашевский, Белоруссия Компартияси Марказий Комитетининг биринчи котиби А. А. Малофеев, Красноярск ўлка партия комитетининг биринчи котиби Г. П. Казьмин, ҳарбий кенгаш аъзоси — қуруқликдаги қўшинлар сиёсий бошқармасининг бошлиғи Н. А. Моисеев, Литва Компартияси Марказий Комитетининг биринчи котиби М. М. Бурокявичюс, СССР ташқи ишлар вазири А. А. Бессмертних, С. Орджоникидзе номли Нижний Новгород авиация ишлаб чиқариш бирлашмасининг фрезерчиси В. С. Куликов, Эстония Компартияси (КПСС) Марказий Комитетининг иккинчи котиби В. С. Мальковский, Эстония ССР, Таллин давлат консерваторияси кафедрасининг мудири К. Й. Комиссаров сўзга чиқдилар.

Пленум ҳужжатларини тайёрлайдиган таҳрир комиссиялари тузилди.

Биринчи масала юзасидан таҳрир комиссияси номидан КПСС Марказий Комитетининг котиби А. С. Дзасохов сўзга чиқди.

Тушган таклифлар ва мулоҳазалар атрофлича кўриб чиқилганидан кейин, бўлиб ўтган муҳокамадан сўнг «Ҳозирги пайт ва партиянинг вазифалари тўғрисида» сиёсий баёнот қабул қилинди, бу ҳужжат матбуотда эълон қилинади.

«КПСС Уставини рўйхатдан ўтказиш тўғрисида» ҳамда «КПССнинг меъёрий ва усулий ҳужжатлари ва партия ташкилотларини ташкилий-сиёсий жиҳатдан мустаҳкамлаш ҳақида» КПСС Марказий Комитетининг котиби О. С. Шенин маъруза қилди. Пленум КПСС Марказий Комитети ишлар мудири Н. Е. Кручинанинг «Иттифоқдош республикалар Компартияларининг 1991 йилги бюджети тўғрисида»ги маърузасини тинглади.

Таҳрир комиссияси номидан КПСС Марказий Комитетининг котиби Ю. А. Манаенков сўзга чиқди.

Пленум «КПСС Уставини рўйхатдан ўтказишга тайёргарлик кўриш тўғрисида», «Партия ташкилотларини ташкилий-сиёсий жиҳатдан мустаҳкамлаш ҳақида» «Иттифоқдош республикалар Компартияларининг 1991 йилги бюджети тўғрисида»ги қарорларни муҳокама қилиб, қабул этди.

Пленум КПСС Марказий Комитети ва Марказий назорат комиссиясининг аъзолари таркибидан комиссия тузиб, уни Эстония партия ташкилотларидаги ишларнинг аҳволини ўрганиш учун юбориш, бунда республикадаги коммунистларнинг кучларини жипслаштириш, фуқароларнинг тинчлигини ва ижтимоий иноқликни сақлашни кўзда тутиш ҳақида қарор қабул қилди.

Пленум А. И. Гельман партия билан алоқасини узди, деб уни КПСС Марказий Комитети таркибидан чиқарди, Г. Г. Гумбаридзенинг Грузия Компартияси Марказий Комитетининг биринчи котиби сифатидаги фаолияти тўхтаганлиги муносабати билан уни КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси вазифасидан озод қилди.

КПСС Марказий Комитетининг пленуми Марказий Комитет аъзоси, академик С. С. Шаталиннинг матбуотдаги сўнгги чиқишларига қўшилмаслигини изҳор этади ва уларда билдирилган фикрларни Совет Иттифоқи Коммунистик партиясида ва айниқса унинг Марказий Комитетида аъзолик билан сиғишмайди, деб ҳисоблайди.

Пленум КПСС Марказий назорат комиссиясининг президиумига ўртоқ С. С. Шаталин соғайганидан кейин унинг хатти-ҳаракатлари тўғрисидаги масалани кўриб чиқиб, КПСС Марказий Комитетининг навбатдаги пленуми муҳокамасига таклиф киритишни топширади.

Ўртоқ Г. И. Янаев СССР вице-президенти этиб сайланганлиги ва бутун куч-ғайратини шу лавозимда ишлашга сарфлаши лозимлиги муносабати билан у КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Марказий Комитет котиби вазифаларидан озод этилди.

Пленум Эстония Компартияси (КПСС) Марказий Комитетининг биринчи котиби ўртоқ Л. Э. Аннусни КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси этиб сайлади.

Ўртоқ П. К. Лучинский КПСС Марказий Комитетининг котиби этиб сайланди.

Шу билан КПСС Марказий Комитетининг пленуми ўз ишини тамомлади.

ЁДААВ ОЛИНГ

ГАР ОШИҚ ЭСАНГ, ЗЕБУ ТАҚАЛЛУФНИ УНУТ.
ЯХШИЮ ЕМОН ИШДА ТАХАЛЛУФНИ УНУТ.
УТГАН ГАР ЭРУР, ЕМОН ТААССУФНИ УНУТ.
ҚЕЛГОН ГАР ЭРУР, ЯХШИ ТАСАРРУФНИ УНУТ.

Қувасой чинни буюмлар ишлаб чиқариш бирлашмасининг мусаввирлари яратган нақшлар ўз шакли ва тасвир услуби жиҳатидан пахта гулли Тошкент косаларидан кескин фарқ қилади. Йирик-йирик, нафис, кўтаринки... Рост-да, нима деганда ҳам бугун ўзбекларнинг ризқ-рўзи — луппи очилган пахта баракасига боғлиқ. Буни ўз буюмларида рамзий ифода этган қувасойликлар 17 турдаги жонон чинни идишларини қардошлар хонадонларига ҳам жўнатиб, уйларига файз киритмоқдалар.

— Ризқингиз улуғ, косангиз тўлиқ бўлсин, — дейди бирлашманинг қўли гул наққоши Олтинхон Аҳмадалиева.

А. МИРЗАЖОН олган сурат.

Ўзбекистон ССР янги мадҳияси матнлари лойиҳаси муҳокамада

ЎЗИ ЯНГРОҚ, УМРИ УЗОҚ БЎЛСИН

Маълумки, республика рўзномаларининг 16 январь сонида Ўзбекистон ССР Давлат мадҳияси матнининг иккита лойиҳаси босилган ва умумхалқ муҳокамасига ҳавола этилганди. Ўтган кунлар мобайнида «Халқ сўзи»га ўнлаб хатлар келдики, уларда Элбек ва Қўнғиртовлиқ қаламларига мансуб матнларга муносабат билдирилган, хулосалар чиқарилган ва таклифлар киритилган. Қуйида ана шу хатлардан айримларини келтирамиз.

Давлат мадҳияси лойиҳаларида Ўзбекистон ҳаёти ва келажагига интилиш анчайин сезиларли ифодаланган. Назаримда Қўнғиртовлиқ матни қисқа даврга бўлган чақириқ тусини олганга ўхшайди:

Оққан дарёинг яна ҳайқириб оқсин,
Учган машъалларинг мардларинг ёқсин.
Дўстга дўст (!), бағри кенг, меҳнатсевар эл,
Дунёда сенга ҳам бахт кулиб боқсин.

Бунда кўп миллатли жумҳуриятимиз халқларининг жаҳон халқларига ҳурмат-эътиборлари аллақандай бир ёқлама тасвирланган. Ўтган етмиш йил давомида қандайдир кўзга кўринмас кучлар унинг тараққиётига тўсқинлик қилгану фақат бундан кейин қайта уйғониш унга бахт ато қилиши мумкиндак. Бу эса матннинг тор доирани қамраб олганлигидан далолат беради ва муаллифдан зўр масъулиятни сезган ҳолда уни қайта кўриб чиқишни талаб этади.

Элбек матни моҳияти жиҳатидан кенгроқ жабҳани қамраган бўлиб, Ўзбекистоннинг ер куррасидаги ўрнини қисқагина сатрлар орқали ифодалаган. Бундаги устунлик фақат республиканинг ўтмиш тарихини ва жаҳондаги белгили ўрнини ифодалашдагина эмас, бошқа миллат ва элат вакилларига нисбатан яхши истакларини «Барча эл оламда бўлсин жону тан» дея билдира олганлигида кўринади. Умуман олганда байт ва нақоратлар содда қилиб, халқ тушунадиган тарзда ёзилган. Тасаввуримча бу матнда ҳам «Озодлик ўзбекка азалий орзу» маъноси берилгану, бу озодликка эришишга тўсқинлик қилиб келаётган манбалар айнан эслатилмаган. Умуман янги матнларда биз нималарга қарши курашиб, қанақа эркинликни қўлга киритишимиз зарурлиги аниқ баён этилмоғи, одамларни отлантирмоғи зарур. Ана шу ҳол давлат мадҳиясида ўз ўрнини топмайдиган бўлса, у хаёлий бир тасаввурдек қолаверади. Даъваткорлик сезилмас экан, Ўзбекистон мустақиллиги тўғрисидаги декларация ҳам шунчаки кўп миллатли жумҳуриятимиз оиласини вақтинчалик юпатиб, тушкунлик уйқусида аллалаш билан баробар бўлади. Шу жиҳатдан Элбек матнидаги миллий мустақилликни эгаллаб олишга чорлаш тор ердаги томошабиннинг томошасига ўхшаб қолмасмикан, деган фикр туғилади. Ўтмиш донишмандларимиз Темур, Алишер Навоий, Бобур ва бошқаларни кўз ўнгимизга келтирадиган бўлсак, матндаги: «Ўзига улуғдир ҳар битта миллат» ибораси байналмилалчилик иззат-ҳурматини чегаралаб, Ўзбекистонимизга қўшни ва йироқ минтақалардаги ватандошларимизни, қавму қариндошларимизни, авлод-аждодларимизни, дурагайлашиб кетган наслдошларимизни оз бўлса-да, итироб чекиб юришга туртки бўлиб қолмасмикин? Шу нуқтаи назардан Элбек матнидаги миллий мустақилликка чорловчи даъватлар ўрнини байналмилалча тушунчалар, Ўзбекистон турмушига тааллуқли ахлоқий поклик, одамгарчилик, меҳмондўстлик, ёру биродарлик, қавму қариндошлик, дўстлик, наслий баркамолликка чорлов эгалласа соз бўларди.

Зиёдулло ЖУМАЕВ,
Ўзбекистон ветеринария илмий-тадқиқот институти тажриба хўжалигининг директори, ветеринария фанлари номзоди.

* * *

Элбек матни бизнинг назаримизда Қўнғиртовлиқ матнига нисбатан диққатга сазовордир. Унда жумҳурият ва элимиз эркинлиги ҳамда озодлиги йўлидаги асрий умид-армонлар, улуғ Туркистоннинг ажралмас қисми — Ўзбекистон ҳақидаги мисралар ғоят таъсирчан ва равон. Жумҳуриятнинг гўзал қиёфаси, унинг мард-ботир кишилари, диину имони бутун одамлар улуғланган эҳтиросли сатрлар бизга маъқул тушди. Матннинг ҳам бадиий, ҳам ғоявий ифодаси ёрқин билиниб турибди. Биз шуларни ҳисобга олган ҳолда уни Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши муҳокамасига тақдим этишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

О. КЕЛГАНОВ,
Тошкент вилояти педагогик ходимлар малакасини ошириш институти кафедраси мудири, педагогика фанлари номзоди;
Н. РЎЗИМУҲАМЕДОВ,
вилоят «Педагогика» жамияти раисининг ўринбосари;
Д. МАВАШЕВ,
Р. УСМОНОВ,
Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган ўқитувчилар, педагогика фанлари номзодлари.

* * *

Мен Элбек ва Қўнғиртовлиқ матнлари билан тўлиқ танишиб чиқдим. Шулардан биринчиси анча маъқул тушди. Чунки муаллиф мадҳияни айнан замонга мослаб, жумладан қайта қуриш талаблари асосида ёзган, Ўзбекистон қадимий диёр эканлиги, ҳақиқий офтоб юрти сифатида танилганлиги, буюк алломалар, мард ўғлонлар етишиб чиққанлиги ифодаланган. Қишлоғимиздаги ёшу кекса мадҳиянинг шу лойиҳасини ўқиганларида уни маъқул кўришди.

Яхшилиқ АНҚАБОЕВ,
Жиззах район Ленин даҳасидаги Умор қишлоғида яшовчи меҳнат фахрийси.

* * *

Ўзбекистон республикаси давлат мадҳиясининг матбуотда эълон қилинган ҳар иккала матни билан танишиб чиқдим. Айниқса Элбек матнида халқимизнинг дардлари сингдирилган мисралар бор. Улар киши қалбини ғалаёнга келтиради. Қўнғиртовлиқ матни эса кўпроқ публицистик руҳда бўлиб, сатрларда ҳайқириқлар жуда кўп.

Абдулҳамид ХОЛМУРОДОВ,
Низомий номли Тошкент давлат педагогика институтининг Навоий шаҳридаги филиали ўзбек адабиёти кафедрасининг ўқитувчиси.

* * *

Ўзбекистоннинг янги мадҳияси сифатида тақдим этилган матнларни ўқиб беҳад шодландим. Чунки «Ассалом, рус халқи, буюк оғамиз» деган гаплар аллақачон меъдамизга етиб бўлганди. Ҳозирги матнлар лойиҳаси эса ўзбек халқининг дилидаги гаплардир. Менга Элбек матни кўпроқ ёқди.

Нурилло СУЛТОНОВ,
ТошПИнинг 2-курс толиби.

* * *

Булардан ташқари Тошкент давлат университети ҳуқуқшунослик факультети, тил ва адабиёт институти талабалари ака-ука Рўзиназаровлар, Тошкент политехника институтининг 3-курс талабаси Баҳрилла Жабборов, Қарши политехникумининг талабаси Адҳам Саноев, Самарқанд педагогика институти студентларидан катта бир гуруҳи, Нарпай районидан Гавҳар Усмонова, Алишер Навоий номидаги Самарқанд Давлат университети талабаларидан бир гуруҳи ҳам Ўзбекистон ССР Давлат мадҳияси лойиҳаси хусусида ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришган.

ВАКОЛАТ КЎПУ ҚЎЛ КАЛТА

БУВАЙДА РАЙОНИДАГИ ҚУНҒИРОТ ҚИШЛОҚ ШЎРОСИНИНГ РАИСИ РЕЖАВАЛИ МАДАМИНОВ БИЛАН МУСОҲАБА

— Қишлоқ Шўроси идорасида чек ер сўраб келган кишиларни кўриб, рости, таажжубландим. Ахир кўп жойларда аризалар жамоа хўжаликларининг ўзларида олинади. Хўжалик раисларининг ер беришдаги «қилиқ»ларига кўпчилик кўникиб ҳам қолди.

— Суҳбатнинг бошидаёқ дардимизга тегиб кетдингиз. Тоталитар раҳбарлик гуллабяшнаган даврда «қўлдан чиқарган» ҳуқуқларимизни қайтариб олишимиз жуда қийин кўчаяпти. Фуқарога ерни ким бергандиʔ Шўролар. Колхозлар эса деҳқон хўжаликларини бирлаштириш баҳонасида тортиб олиб қўйишганди. Энди ерни биз бераётгандаймизу, бироқ жамоа хўжаликлари раҳбарлари ҳамон отдан тушганлари йўқ. Сиртдан қараганда аризаларни оляпмиз, чек ер тақсимлашда қатнашяпмиз, аслида воситачилик қиляпмиз, холос. Қанча ер ажратиш керак, кимларга бериш зарур — буни хўжалик умумий йиғилиши ҳал қилади. Унинг қарори қишлоқ шўросини четлаб ўтади-да, район ижроқўмида тасдиқланади. Бизнинг фикримиз ҳеч кимни қизиқтирмаяпти, қишлоқ шўроси ўрамидаги ерлар тақдирини белгиловчи қарорлар маҳаллий ҳокимиятнинг иштирокисиз қабул қилинаяпти. Ерни қишлоқ кенгаши бериши, танобчи ва архитекторлар ихтиёримизга ўтказилишлари керак. Шундагина мантиққа тўғри келади. Бўлмаса, ҳокимиятни шўроларга бериш керак, деганлари яна гаплигича қолиб кетаверади.

— Ҳамма катта ишнинг тақдири қуйи бўғинларда ҳал этилишидан кўз юмиб бўлмайди. Бор қиладиган ҳам, йўқ қиладиган ҳам бевосита унинг ижрочилари, яъни сизлар — қишлоқ шўролари. Қачонки қуйи бўғин депутатлари ўз ҳуқуқларидан тўла фойдаланганда ҳокимиятни қўлга олиш амалга ошади. Қишлоқ шўролари бунга тайёрми!

— Қисман. Қайта қуришнинг энг қайноқ даврида бўлиб ўтган сайловда ҳам шўро Кенгашларига халқ дарди билан куйиб ёнадиган, фидойи кишилар келдилар, деб айтиш қийин. Шундайлар борки, жуда дилбар, суҳандон лекин ташкилотчиликка келганда... Гап билиш бошқа-ю ишлай билиш бошқа. Сайловчилар кўпинча ана шундай кишиларга маҳлиё бўлиб қоладилар. Демократияни маҳаллийчилик деб тушуниш ҳоллари ҳам учрадики, бу ишларимизга зарар келтирди. Чўл қишлоғида номзод кўрсатиш чоғида шундай бўлди. Биз ҳар томонни ўйлаб, қиёслаб, ишбилармон ва ташкилотчилар номзодларини тавсия этдик. «Номзодни қишлоқнинг ўзидан кўрсатамиз!» деб туриб олдилар. Тушунтиришларимиз зое кетди. Юқоридан тавсия қилдими, у албатта халққа қайишмайдиган одам бўлади, деб ўйлаш доим ҳам тўғри келавермайди-да. Ўзларидан чиқса жуда яхши, дардларини осон айтишади, ҳар куни кўз ўнгларида туради. У ишлайдиган бўлса, нур устига нур. Аммо, ташкилотчи бўлмасачиʔ Хуллас, ўша қишлоқлик, автокорхонада ҳайдовчи бўлиб ишлайдиган йигитни сайладилар. Таассуфки, бу депутатимиз ҳалигача бирор марта сессияларда иштирок этгани йўқ, вақти етишмайди. Бундан кимга зарару кимга фойда.

Бунга ўхшаш халқ «вакил»лари ҳамма кенгашларда топилади. Яна мансаб «ҳурмати» эвазига сайланган депутатларни ҳам қўшадиган бўлсак, манзара янада равшан бўлади. Баъзан ташвишга тушаман — нобоп депутатларимиз кўпайиб кетмадимикан деб. Бизнинг қишлоқ шўросига сайланган депутатларнинг ярмига яқинининг фаолиятидан қониқмайман. Аслида улар, баъзилар айтмоқчи, жуда «ўнғай». Аммо, мулоҳазали, сўзи кескир, эли учун ҳеч нарсадан тап тортмайдиган, аёвсиз танқид қиладиган депутатлар ёқади менга. Чунки ўзим ҳам ошкора, самимий танқидни, қатъиятли кишиларни ёқтираман, ҳурмат қиламан.

— Сизни кўпроқ нима қийнайди, шўролар ваколатларининг камлигими ёки депутатларнинг фаолиятсизлигими! Ожизлигингизни сезганда тушкунликка тушмайсизми, шўрога ишга ўтганингизга афсус чекмайсизми!

— Изтироб чеккан онларим бўлади. Катта-катта муаммолар бир ёқда қолиб майда-чуйда ишлар билан ўралашиб кетиш мени кўп қийнайди. Шўролар ишини яхши кўраман. Одамларга амалий ёрдам бера олганимдан кўнглим таскин топади. Улар юмушига яраётганим ёқади. Бироқ қўлимизнинг калталиги, ҳамон воситачи ташкилот бўлиб қолаётганимиздан қийналаман. Маблағ ва моддий ресурсларнинг йўқлиги оёқ-қўлимизни тушовлайди. Томидан чакка ўтаётган кишини кўрсангу томини ямаб беролмасанг, қозони аранг қайнаётган муҳтож ҳамқишлоғингга ҳиммат қилолмасанг, ишсиз сарсон бўлиб юрган қўшнининг боласига иш топишда кўмак беролмасанг алам қилади-да.

Шу кезларда қишлоқ шўросини ортиқча ваколатлар ҳам қийнаяпти. Аҳолининг қурилиш материаллари, шифер, тилла буюмлари, костюм-шим, ҳатто конфет сўраб берган аризаларини кўриб чиқаяпмиз. Рости бу ишлар билан одамларнинг бизга мурожаат қилмасликларини истардим. Илож қанча, дўконда бўлмаса, бори ҳам оз, рўйхат билан тарқатилса, бизга бормай кимга ҳам боради! Аммо уларга ваъда беравериб виждонимиз қийналиб кетади. Ўзингиз ўйланг, ўтган йили 2.500 дан зиёд оилага чек ер берилди. Жой қўлига теккач одамларимиз иморат қуришга тушиб кетишди. Уларга қурилиш материаллари керак, томини ёпишга шифер зарур. Икки мингдан ортиқ шифер сўралган ариза олганмиз. Ўтган йили бу аризаларнинг аранг 90 тасинигина қондира олдик. Бу аҳволда чорак аср керак бўлади. Бу давр мобайнида бошқа эҳтиёжлар ҳисобга олинмаса. Аҳоли сонининг ўсиб боришидан, талабларнинг ортишидан кўз юмиб ҳам, истисно этиб ҳам бўлмайди. Бултур 231 та никоҳни қайд этдик. Тўй бошлаган ҳар бир оила бошида палос топиш ташвиши туради. Ҳар икки томонга ҳам палос керак. Демак, ўтган йили бизга 462 дона палос зарур бўлгани ҳолда фақат 53 дона тарқатдик. Қолганлар нима қилишади, бошни қаерга уришади? Имкони бўлса ҳаммасига берсанг, бироқ йўқни йўндириб бўлмаса қийин-да. Бизда фонд йўқ, лимит йўқ, ажратилганидан ортиғини қаердан ҳам оламиз. Фақат ваъда берамиз. Бунақа ваколатлар қишлоқ шўросининг обрўсини, мавқеини очишга хизмат қилмайди. Бу қийинчиликлар вақтинчалик, кундалик ташвишлар, холос. Турмушимиз икир-чикирларига ўралашмай жиддийроқ, каттароқ муаммолар тўғрисида бош қотириш керак, дегувчилар ҳам топилади. Тўғри, аммо бу майда-чуйдалар фақат бизнинг шўрога тааллуқли бўлмай, жумҳуриятимизнинг кўплаб қишлоқ кенгашларига ҳам хос. Шу боис ечимни биргаликда топиш зарур, деб ўйлайман.

— Шўро ходими сифатида қишлоқ, район бўғинларидаги доимий комиссиялар фаолияти қониқтирадими! Маҳалла қўмиталари кучидан қандай фойдаланаяпсизлар!

— Ҳақиқатнинг кўзига тик қараб айтадиган бўлсам, шу бўғинларда доимий комиссияларнинг кераги йўқ. Кенгашлар ишидаги нўноқликлар тугатилмагунча комиссиялар расмият учунгина тураверишади, уларга қарорлар ёзиб берилаверади, йиғилишлар ўтказилаверади. Район кенгаши доимий комиссияларидан бирига аъзоман. Сессияда ҳисоб беришга тўғри келиб қолди. Комиссия аъзоларини тўплаб кенгашиб олиш зарурати сезилди. Шунга қўнғироқ қилиб уларни тўпламоқчи бўлдим. Анча уринишлардан кейин аранг ярмини йиға олдим. Чунки ваколатим бундан ортиғига етмади. Район ташкилотларининг кўпчилиги менинг қўнғироғим билан раҳбарларини, мутахассисларини юборавермайди-да. Қишлоқ кенгашлари ҳақида айтмаса ҳам бўлаверади. Аввало, доимий комиссиялар аъзоларининг ҳуқуқларини тан олмагунча, уларга жиддий назар билан қарашни ўрганмаганимизча бир иш чиқишига кўзим етмайди.

Маҳалла қўмиталари фаолияти нечоғли эканлиги билан шўролар ишига бемалол баҳо берса бўлаверади. Биз қанчалик ҳаракат қилмайлик, барибир улар ишини жонлантира олмаяпмиз. Маҳалла қўмиталари раислари маош олиб ишлайдиган бўлмагунча жиддий силжиш қийин. Тўғри, шаҳарларда бу масала ҳал бўлди, бироқ қишлоқларда ҳамон пайсалга солинмоқда. Яхши ишлаётган, фаол раисларимиз бор, лекин жамоатчилик ишига ҳамма ҳам бирдай жон куйдираётгани йўқ-да.

— Дард кўпу дардкаш кам, орзу кўпу имкон оз деганларидай, ечимсиз муаммо беҳисоб.

— Бизни қувонтирадиган воқеа шуки, шўролар чинакам ўз овозларига эга бўлдилар. «Халқ сўзи» рўзномасининг ташкил этилганидан хурсандмиз. Энди ўз дардимизни, муаммоларимизни кўнгил ёзиб айта олиш имконига эга бўлдик. Кези келганда шуни айтишим керакки, турғунлик йилларида ҳамма матбуот нашрларида, шу жумладан район рўзномаларида босилган ҳар бир танқидий чиқишга — хоҳ катта, хоҳ кичик бўлсин — акс садо бўларди, сал ўзгариш сезиларди. Ҳозир эса деярли ҳамма рўзнома ағдар-тўнтар қилиб ётибди, улуғ ниятларни айтаяпти, муаммоларни кескин қўяяпти-ю, амалий ишдан дарак йўқ. Назаримда, ҳамма кимгадир гап уқдириш билан оворaю, эшитадиган қулоқ йўқдай. Истардимки, янги рўзнома шундай нашрлар сафига кириб қолмаса, гапи кескир, чиқишлари таъсирчан бўлса.

Муаммолар кўп. Шулардан бири — қишлоқ шўролари ўртасидаги номутаносиблик. Қайсики, қишлоқ шўроси — у каттами ё кичик деярли бир хилдаги бошқарув аппаратига эга, маошда фарқ оз. Бу борада мезон, тош-тарози бўлиши керак. Мисол учун бизнинг ҳудудимизда 20 минг аҳоли, районимиздаги Янгиқадам қишлоқ шўросида эса 1,5 минг киши истиқомат қилади. Ишларимиз кўламида фарқ жуда катта, лекин улар деярли бир хил имконият, бир хил кучлар билан бажарилаётгани адолатдан эмас-да. Бу ҳақда кўп марталаб айтаяпмиз, йиғилишларда гапираяпмиз. Буни Вазирлар Кенгаши белгилайди, биз уддасидан чиқолмаймиз, ваколатимиз етишмайди, дейишдан нарига ўтилмаяпти.

Яна бир муаммо — қишлоқ шўроси алоқа қилмайдиган ёзишмалар олиб бормайдиган жой кам. Қанчадан-қанча қоғоз ёзилади, жўнатилади, бироқ машинкачи-котиба ажратилмаган, каттагина биномиз бўла туриб, уни супурибсидирадиган фаррош ҳам йўқ.

Ташвишларимиз беҳисоб. Ҳамма босқичдаги кенгашларда элсуяр, фидойи, беҳаловат депутатлар кўпаявермас экан, халқимизнинг умидлари армонлар қаторига қўшилаверади, муаммолар занжирига тобора қаттиқроқ чирмалаверамиз. Биргаликда, аҳил ҳаракатга муҳтожмиз. Ахир арғамчига қил ва иплар қувват беради, шундаймасми?

Суҳбатдош:
Шароф ЙЎЛДОШЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

КЎРГАЗМАДА МЎЛ, ПЕШТАХТАДАЧИ?

ВИЛОЯТ фирқа қўмитаси сиёсий маориф уйида — тижорат ярмаркаси ташкил этилганди. Область саноати ишлаб чиқараётган халқ истеъмоли моллари кўргазмасини кўриб, савдо пештахталарининг бундан уч-тўрт йил аввалги манзараси кўз олдингга келади. Беихтиёр ўйланиб қоласан, кўзни қувонтирадиган, кишилар эҳтиёжини тўла қондира оладиган, харидоргир товарлар ишлаб чиқаришга қодирмизу, пештахталаримиз бўшаб ётибди.

Биргина мисол: Марғилондаги бадиий ёдгорлик буюмлари фабрикасида фақат атлас турлари 12 тага кўпайтирилибди. Ҳозир бу ерда 25 хил хонатлас ишлаб чиқарилаяпти. Лекин жумҳуриятнинг «атлас конида» аёлларимизни яшнатадиган матодан кундуз куни чироқ ёқиб ҳам бир кийимлигини топа олмайсан.

Кўргазмада Риштон кулоллари, олтиариқлик маҳаллий саноатчилар, қўқонлик дурадгор усталар, яйпанлик мебелсозлар тайёрлаган турли-туман кенг истеъмол моллари, озиқ-овқат маҳсулотлари намойиш қилинганди. Намойишга қўйилган нарсалар кўзни қамаштиради. Лекин ҳамманинг истаги битта шу эди: «Шундай маҳсулотлар фақат кўргазма залларидан эмас, савдо дўконларининг пештахталаридан ҳам тезроқ жой олса».

Бозор иқтисодиёти шароитида корхоналарга қийин бўлиши муқаррар. Ахир фойда олиш учун аввало харидоргир маҳсулотлар ишлаб чиқаришга эришиш керак. Буни чуқур тушунган Гулистон шаҳридаги «Ўзбекистон комсомоли 50 йиллиги» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси жамоаси ишни тубдан қайта қурмоқда. Бунинг самараси ўлароқ, қисқа муддат ичида ўндан ортиқ турдаги бежирим либосларни тикиш йўлга қўйилди.

СУРАТДА: назоратчилар янги моделдаги кийимларни кўздан кечиришмоқда.

Еркин БОТИР олган сурат.

МУСТАҚИЛЛИКМИ Ё МУСТАБИДЛИК?

Иттифоқ шартномаси ҳақида ўйлаганларим

Ўтган йилнинг 24 ноябрида матбуотда янги Иттифоқ шартномасининг лойиҳаси эълон қилинди ва умумхалқ муҳокамасига қўйилди. У шунингдек КПСС Марказий Комитетининг декабрь пленуми ва СССР халқ депутатларининг тўртинчи съездида атрофлича кўриб чиқилди. Муҳокамалар натижаси нима билан тугади? Шартнома лойиҳаси асосини ташкил этган концепция (дастур) тўғри деб топилди. Бошқачасини кутиш қийин эди, албатта. Чунки бундай муҳим ва нозик масала митинг ёки қурултойларда ҳал қилинмайди. СССР халқ депутатлари тўртинчи съездида юздан ортиқ нотиқ сўзга чиққан бўлса, шундан уч нафари, яъни РСФСР, Қозоғистон ССР ва Ўзбекистон ССР давлат бошлиқларигина тайёрланган лойиҳага аниқ баҳо бера олдилар. Муҳокаманинг бориши демократия ўйинига ўхшаб кетди.

Аслида қайси томондан ёндашиш лозим эди? Иттифоқдош республикалар мустақиллиги нуқтаи назаридан бу ҳужжатга қандай баҳо бериш мумкин? У1922 йилда тасдиқланган Иттифоқ шартнамасидан нималари билан фарқ қилади? Марказлаштириш ва бир ердан бошқариш усулига чек қўйиладими?Шунга ўхшаш саволлар ватанимизда яшаб, ишлаб турган ҳар бир кишини қизиқтирмоқда, ташвишга солаяпти, ўйга толдирмоқда. Бунга сабаб шуки, Иттифоқимизнинг келажакда қандай бўлишига ҳеч ким лоқайд ва бефарқ қарай олмайди.

Шартномани ўқиб чиқар экансиз, даставвал у сизда республикалар мустақиллиги, Иттифоқ ва республика бажариши лозим бўлган вазифалар, Президент, бош вазир, турли муассасаларнинг ваколатлари, тил масалалари ўрнига қўйиб ҳал этилгандек туюлади. Аслида ҳам шундайми? Агар бу ҳужжатни республикалар мустақиллиги намойиши содир бўлган ва улар ўз ҳақларини талаб қилиб чиқаётганликлари, ўтган етмиш йил мобайнида ҳокимиятни марказлаштиришда юқоридан бошқариш қай оқибатларга олиб келганлиги, ҳаддан ташқари кўпчиликдан иборат Олий Кенгашу вазирликлар ишининг самараси нуқтаи назаридан синчиклаб, ҳарфма-ҳарф ўргансак, у мукаммалликдан ниҳоятда йироқлиги кўзга яққол ташланади. Мен ҳуқуқшунос эмасман, шунинг учун ҳам яхши ҳужжат тайёрланибди, деган фикрда эдим. Аммо хизмат тақозоси туфайли билимдон мутахассислар билан ҳамкорликда шартномани бандма-банд чуқур ўрганишга тўғри келди. Аввалги таассуротимдан асар ҳам қолмади. Унинг мукаммалликдан жуда йироқлигига, муаллиф ва ҳомийлари ҳозирги Иттифоқ тузумини нима бўлса ҳам сақлаб қолиш учун қўлларидан келган барча чораларни кўришганига, аниқроғи, буни олдиларига асосий вазифа этиб қўйишганига ишондим.

Назаримда, лойиҳага республикаларнинг тўла мустақиллиги, 1922 йилги шартнома бутунлай эскирганлиги асос қилиб олиниши, янги шартномани тузувчи субъектлар иттифоқчи республикалар мустақил давлатлар эканлигини эътироф этишлари керак эди (Иттифоқ давлати, яъни федерация мустақил республикалар томонидан берилган баъзи бир ваколатларни умумлаштириш асосида вужудга келадиган давлат эканлигини инкор этиш сунъий тўсиқ қўйишнинг ўзгинасидир).

Республикалар мустақил давлат эканликларини тан олмасликнинг иложи йўқ. Улар ўз ҳудудларида тўла ихтиёрга эга бўлибгина қолмай, балки ташқи алоқалар ўрнатадиган бўлишлари керак. Бусиз тўла мустақиллик таъминланмайди.

Иттифоқ ҳукуматига республикалар темир йўл, газ қувурлари, мудофаа, чегара хавфсизлиги, алоқа, фуқаро авиацияси билан боғлиқ ишларни бошқариш ваколатини (ҳа, бошқариш ваколатини) берадилар. Бу бўлажак Иттифоқ ҳукумати республикалар билан биргаликда ана шу соҳаларни ривожлантиришнинг стратегик режасини ишлаб чиқади ва амалга оширади, деган гап.

Иттифоқнинг қонунчилик, фармойиш берувчи ва ижроия ташкилотлари қандай бўлиши керак? Бу масала ҳужжатда эскича ҳал қилингани кишини ҳайратлантиради. Унда олий раҳбарият икки палатали Олий Кенгашдан, Президент, Вазирлар маҳкамаси ва вазирликлардан иборат бўлиши кўзда тутилган. Шундай экан, мустақил республикаларнинг ҳуқуқлари қаёқда қолди? Модомики мустақил давлатлар — республикалар ўз ваколатларининг бир қисми ижросини федерацияга топширсалар, демак, Иттифоқни бошқаришда бир хил ва тенг ҳуқуқларга эга бўлишлари лозим. Тўғри, бундай федератив давлат тарихда бўлган эмас. Шунинг учун ўтмишдан андоза қидириш йўли билан муаммони ҳал қилиш мушкул. Бунда кўпроқ мантиқий йўлдан борган маъқул. Фикримизча, икки табақали Олий Кенгаш иш кўриши нотўғри. У бир палатадан иборат бўлиши, ҳамма республикалар тенг миқдорда вакиллар йўллашлари мақсадга мувофиқдир. Федерация кенгаши деб юритилса, мантиққа тўғри келади. Бу кенгаш республикалар билан келишилган конструкцияни қабул қилиши, унга тегишли қўшимча ва ўзгартишлар киритиш ҳуқуқига эга бўлиши керак. Федерация кенгаши қардош республикаларнинг халқ депутатларидан ташкил топиши лозим. Вакилларни эса ҳар бир республика Олий Кенгаши сайлаши зарур.

Федерация президенти ваколати ҳам чекланган бўлиши керак. У Федерация президенти кенгаши қарорларининг амалга оширилишини таъминлаши мақсадга мувофиқ.

Федерация президенти кенгаши президент, вице-президент ва республика давлат раҳбарларидан ташкил топиб, унинг аъзолари тенг ҳуқуқларга эга бўлишлари айни муддаодир. Шунингдек, Вазирлар маҳкамаси ва Вазирлар ҳайъати (президиуми) ҳам шу асосда тузилиши ҳамда иш юритиши лозим.

Мустақил республикаларнинг федерацияга кириш ёки ундан чиқиш масаласи умумхалқ овози (референдум) билан ҳал қилинади.

Республикалар иттифоқи ҳақидаги шартнома мазкур республика президенти имзо чеккандан ва Олий Кенгаш тасдиғидан (ратификация қилингандан) сўнг кучга кириши мумкин.

Муҳтарам муштарийлар эътиборини яна бир масалага жалб этмоқчиман. У ҳам бўлса, давлат тилига тааллуқли гап. Шартномада давлат тили деб миллатлараро муомала воситаси бўлиб қолган рус тилини тан олишга даъват қилинаяпти. Энди ўзингиз ўйлаб кўринг: республикаларда миллий тилга давлат мақоми берилган. Бу ёғи нима бўлади? Икки миллат вакили учрашиб қолса, албатта русча сўзлашуви шартми? Кўрамизки, бу масалага ҳам аниқлик киритилмаса бўлмайдиганга ўхшайди.

Умуман айтганда, Иттифоқ шартномаси тузилиши лозим. Бундан бизнинг республикамиз ҳам манфаатдор. Аммо мустақилликдан воз кечиш ҳисобига федерацияга кириш зинҳор-базинҳор мумкин эмас.

С. МИРЗАЕВ,
Ўзбекистон ССР халқ депутати, профессор.

ХУШХАБАРЛАР ОҚИМИДАН

Учқудуқ районидаги Шимолий руда бошқармасининг усталари ёдгорлик буюмлари, гулдонлар, шамдонлар, жун тақинчоқлар тайёрлай бошладилар. Бунинг учун рангдор ва ярим қимматбаҳо тошлар — феруза, родонит, ақиқ, халцедон, опал, тоғ биллури ва бошқалардан фойдаланилаяпти. Бу маҳсулотлар жуда харидоргирдир.

* * *

Андижон кооператорлари ўз шаҳарларига моддий ёрдам беришга қарор қилдилар. Ҳозирнинг ўзидаёқ «Тез ёрдам» станцияси учун табобат ускуналари сотиб олиш мақсадида маблағ тўпланди. Шаҳарни ободонлаштириш фондига ва хайрия мақсадларига анчагина пул ўтказилмоқда.

* * *

Чет эл фирмалари Навоий электр-кимё заводига ҳар бир тонна техник которан учун 8 минг доллар тўлашни таклиф қилдилар. Бу ўз вақтида қилинган таклиф эди. Корхонада бу. гербецидни ишлаб чиқаришни тўхтатиб, бошқа йўналишда иш олиб боришни ўйлашаётган, чунки бу маҳсулотга талаб мамлакатда кескин пасайиб кетган эди. Ғарб давлатларидаги ишбилармонлар заводнинг бошқа бир маҳсулоти — ортоаминофенолга ҳам катта қизиқиш билдиришди.

* * *

Термиздаги ногиронлар ширкати аъзолари соатларни тузатиш, машинкада ёзиш, чизмачилик ишлари, кўрпа ва кўрпачалар тикиш, сўзаналар тайёрлаш каби фаолият турлари билан шуғулланишмоқда. Бу ширкат шаҳар ногиронлар уюшмасининг ташаббуси билан ташкил этилган. Янги жамоат бирлашмасига қарийб 1,5 минг киши аъзо бўлди. Ногирон болаларини парвариш қилаётган оналар ҳам уйда меҳнат қилиш имконига эга бўлдилар. Ширкатга шаҳардаги турли ташкилотлар ёрдам кўрсатмоқда. Маҳалий саноат комбинати ширкат аъзоларининг ишлаши учун ўз биноларини берди.

(ЎзТАГ).

Гулбаҳор Кенжаева қизалоқлик чоғидаёқ наманаиранг гиламлар тўқишни орзу қиларди. Бугун унинг ана шу эзгу нияти ушалган: Шофиркон район гилам фабрикасида ишламоқда. Қувончи қалбига сиғмаётганининг боиси шу.

— Инсон гўзалликсиз яшай олмайди, — дейди у. — Бунинг учун ҳар бир қатимга юрак қўри, меҳр зиёсини бағишлашинг керак. Мен ишда шунга амал қиламан.

К. КАРИМ олган сурат.

Ироқ—оловли нуқта

БИР НАЖОТ ИСТАЙМАН

Неча кундирким, руҳим безовта, хаёлим паришон. Ироқда жувонмарг кетган руҳлар чирқиллайди, норасида гўдаклар фарёд чекади, шарқона маданият ва санъатнинг ноёб осори-атиқалари олов ичида ёнади.

Овозингордан бирор хайрли хабар бўлиб қолар, деб бутун вужудим билан қулоқ тутаман, рўзномаларга кўз югуртираман, лекин... Гоҳигоҳида нохуш маълумотлардан воқиф бўлиб қоламан, холос. Дунё нотинч, башарият безовта, ҳатто Америко, Англия, Фарангистон фуқароларида, мамлакатларининг подшолари баёнотларида — норозилик.

Ҳар куни ишга маҳзун отланаман, руҳимга таскин истайман, зўравонликни қоралемоққа ташбеҳ излайман. Таскин йўқ, ташбеҳ йўқ. Сизу мендек яшаб турган қай бир инсон неча бор эди, бугун йўқ. Замон зўрники бўлиб келган бу жафокаш Заминда адолат истаб жар солгим келади. Ўтмишдаги босқинчиликлар, зўравонликларни лаънатлаш учун бурро тилим калимага тушмай қолади. Хаёлларимни жамлашга интиламан, автоларга чиқаман, йўловчилар суҳбатининг мавзуи Ироқ — она сайёрамизнинг оловли нуқтаси.

Океан ортидан келиб қудратини намойиш қилаётган Америко мусулмон дунёсига ўт қўймоқда. Шарқнинг бир бўстонида қузғунлар галаси... Бу галанинг асл мақсади... бойлик — «қора олтин». У «қора олтин» деб ортида харобалар, етим-есирлар, майиб мажруҳлар, қабристонлар қолдирмоқда.

Инқилоб хиёбонида ғижжак ғилофини кўтарганча, мендек афтода кайфиятда келаётган Шуҳрат акага учраб қоламан. Бу камтарин инсон билан ўз-ўзидан суҳбатимиз қовушади, мавзу айланиб, ўт ичида қолган Бағдодга кўчади.

— Тоҳиржон, мен Ироқ мусиқаларини ҳам, Америконинг кўплаб куйларини ҳам завқ билан чаламан. Истасангиз, мана шу ерда сизга уришаётган давлатлар халқларининг муножотларидан чалиб бераман. Нега бундай бўлаяпти? Ман қаршиман, мен норозиман! Бу — адолатсизлик, бу— зўравонликнинг ўзгинаси!

— Ҳамма қарши, Шуҳрат ака. Бутун инсоният қарши.

— Митинг қилиш керак, норозилик билдириш керак!

— Юринг, Шуҳрат ака, ишхонамга бориб, дардлашармиз, — дейман. У менга эргашади.

Суҳбатимиз қорли кўчадан сокин хонага кўчади. Руҳимдаги тушкунликданми, гапимиз унча қовушмайди, шунда у ҳокисорлик билан ғилофдан ғижжагини олади. Деразадан ташқарига термулганча уни эринмай созлайди ва мотамона куй чалади. Менинг бутун вужудим қулоққа айланади, ғижжакдан таралаётган ингроқ нола руҳимга урилади, акс садо беради. Жаҳон халқлари мусиқаларини ўзбекча ғижжакда меъёрига етказиб ижро эта оладиган, Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофоти лауреати, Бутуниттифоқ ва халқаро фестиваллар совриндори, ўз маҳоратини ўн бешдан ортиқ хорижий давлатда намойиш қилиб, таҳсинлар олиб келган бир ўзбек йигити — Шуҳрат Йўлдошев қалбида исён. Бу исёнда сиёсатдан, адолатсизликдан норозилик акс этади.

Шуҳрат ака мусиқани тугатиб оғир тин олар экан:

— Бу ироқча куй, — деди. — Мана буниси эса Америконинг машҳур композитори Жорж Гершвиннинг «Порги ва Бесс» операсидан.

У яна чалишга тушади, ғижжак титрайди, хонага ўйноқи оҳанг таралади...

Уруш бўлмоқда, қон тўкилмоқда. Халқда не гуноҳ, санъатда не гуноҳ!.. Санъат — тилсиз, санъат миллат ажратмайди. У зўравонликдан ҳазар қилади. Санъатнинг ғояси — эзгулик.

— Тоҳиржон, америколик учувчи ташлаган бомбадан ҳалок бўлган қай бир гўдакдан келажакда балки бутун дунёни лол қолдирадиган машҳур ғижжакчи чиқармиди?

— Ғижжакчи чиқмаса-да, у ҳам қарқалай бир инсон бўлиб улғаярди-ку, дунёда насибаси бор эди-ку, — дейман изтироб билан.

— Тўғри айтасиз. Наҳотки дунё халқлари ожиз, наҳотки жиҳолат адолатдан, зўравонлик санъату маърифатдан устун бўлса?!

— Йўқ, Шуҳрат ака, тарих ҳақ-ноҳақни саралайди, айбдорларнинг юзига қора чизиқ тортади. Афсуски, бегуноҳ фуқарога жабр.

Шуҳрат ака алам билан яна камонни қўлига олади, дардли, мунгли мусиқа чала бошлайди, ғижжак фарёд қилади.

Оҳанг ташқарига — шохларини эгиб, қорга бурканганча сукут сақлаб турган дарахтларга, безовта елиб бораётган автомобилларга, қайларгадир шошиб кетаётган одамларга интилади.

Дунёнинг бир бурчагида — менинг хонамда, дилимда мотамсаро муножот янграмоқда. Яна бир бурчагида эса бомба портламоқда, қирғинбарот бўлмоқда. Ақлу шуури беқиёс ривожланган,тафаккури ой ва қуёшга — бутун коинотга ҳукмронликни даъво қилаётган инсоният — ожиз.

Ахир одам кимнидир ўлдириш учун дунёга келмайди-ку?!

Мен бу сатрларни лаънати урушдан, зўрлик ва пўписалардан кўнглим озганидан ёздим, қирғинбаротга чек қўйилишини ният қилганимдан ёздим. Афсуски, кунлар, тунлар ўтиб бораяпти, замин безовта айланаяпти, урушга эса ҳамон нуқта қўйилмаётир.

Бир нажот истайман, жазавага тушган, имондан нари бандаларнинг қалбига яратгандан инсоф тилайман.

Тоҳир ДОЛИ ўғли.

ИНСОФ

эссе

Абдуқаҳҳор ИБРОҲИМ

Келажакда яна адашиб-нетиб юрмаслик учун жамиятимиз ўтмишидаги нуқсонлар баралла очиб ташланмоқда, кимнинг қилмиши қандай бўлганини билиб олмоқда ва кўрсатиб қўймоқда. Бу ҳам жамиятнинг қудратидан, ўзига тўла ишонганидан, мақсади олийжаноблигидан, нияти поклигидан далолатдир. 30—40 йиллар ва 50-йиллар бошларида юз берган қатағонлар билан боғлиқ ҳужжатларни ўқир экансиз, жуда қалтис дамларда ҳам инсофини йўқотмай, ҳатто ўлимга ҳам тик борган кишиларнинг жасоратига тасанно айтмай қололмайсиз. Яна шундай қарорга келасиз: агар атрофдагилар инсоф билан иш тутганида, Сталин ҳеч бир иш қилолмасди. Худди шунингдек, агар кўпчилик бир ёқадан бош чиқарганида ўша қирғинбаротлар юз бермасди, халқимиз эса ҳозиргидан кўра анча баркамол бўларди деган хулосага борасиз. Бас шундай экан, маънавий-ахлоқий жиҳатлардан бири бўлмиш ИНСОФ ҳақида сўз юритишни зарур вазифалардан бири дейиш мумкин.

Оддий халқ орасида инсоф сўзи жуда кенг қўлланилади... «Инсоф қил!», «Инсоф билан-да!», «Инсофинг борми ўзи?!», «Унда инсофдан тариқча йўқ», «Йўқ, у инсофли одам» ва ҳоказо.

Менинг ўйлашимча, шахсга сиғиниш йилларида ҳам, турғунлик даврида ҳам биринчи иллат шу бўлибдики, маълум қатлам кишиларидан инсоф кўтарилиб кетибди, унинг ўрнини ҳам худбинлик эгаллаб олибди. Бўлмаса, миллион-миллион сўмлаб пул тўплаш нечун керак, ўзи номуносиб бўла туриб қўша-қўша нишонлару унвонлар нимага зарур? Ўз айбини ҳамкасбига тўнкашнинг нима ҳожати бор, барибир қинғир ишнинг қийиғи қирқ ойдан кейин ҳам очилади-ку. Йўқ, сабаби — инсофни унутдилар. Менинг фикримча, инсофни унутмаганларида ўттизинчи ва эллигинчи йиллардаги қирғинлар ҳам юз бермасди, жамиятимиз турғунлик ҳолатига келиб қолмасди. Энг ёмони шу эканки, инсофнинг унутилиши одамларни майдалаштириб, бачканалаштириб юбораркан, одамийлик ўрнини ҳайвонийлик эгалларкан. Инсофсиз ҳеч қачон шахс даражасига етолмайди! Айни пайтда жамиятда ҳамма вақт инсофлилар ҳам бўладилар. Бироқ баъзан кўп, баъзан оз. Шахсга сиғиниш жуда кучайган, ёки турғунлик авжига чиққан кезларда, ўйлашимча, ана шу инсофлилар анча камайиб, инсофсизлар сони ортиб кетгандир. Лекин, барибир, инсофлилар бўлган, шулар билан ҳаёт гўзал, олам гулистон! Инсофли одамлар билан мулоқот, инсоф амри билан иш тутилганига шоҳидлик ёки иштирок этиш, инсоф тантанасидан хабар топиш онлари киши умрининг энг бахтли, гўзал дақиқаларидир. Инсофлиликка даъват ҳам яхши одатдир.

Мабодо бир кунмас бир кун мендан «Ҳаётда инсофли одамларни учратганмисиз?» деб сўраб қолишса, инсоф билан иш тутсам, қайси замондошим номини тилга оламан-у, қандай сўйлайман — улар ҳақида нима дейман, дея хаёлга берилдим. Хаёлимдан биринчи бўлиб катта замондошларимдан Ғафур Ғулом, Ойбек, Абдулла Қаҳҳор, Мақсуд Шайхзода, Раҳмат Файзийнинг сиймолари ўтди, улар билан тансиқ учрашувлар қайта жонланди. Булар ҳақида гапирмаслик, ҳали бошқалар айтмаган (балки бошқалар билмаган) қирраларни сўзламаслик ноинсофлик бўлар, деган қарорга келдим.

1964 йили «Осиё устида бўрон» фильмининг режиссёри Комил Ёрматов, Янгтўш ролининг ижрочиси Шукур Бурҳонов Ленин мукофотига номзод қилиб қўйилдилар. «Ўзбекистон маданияти» газетаси топшириғи бўйича Ғафур Ғулом номидан шу фильм ҳақида кичик бир мақола уюштиришим керак эди. Ғафур ака рози бўлдилар. Навбаҳор кунларидан бирида эрталаб Ғафур ака Арпапоядаги ҳовлисининг кунгай тарафидаги иш кабинетида айтиб турди, мен котиб сифатида ёзиб олдим.

Ўша куни Ғафур ака билан Фурқат кўчаси бўйлаб унинг машинасида Хадра томон келар эканмиз, шоир эл дарди, юрт ташвишларидан сўзлади. Хадра майдонида машина Навоий кўчасига бурилиш учун светофор чироғи рухсатини кутиб турганида, Ғафур ака шундай degani ҳамон ёдимда: «Рамз билан айтганда, Жимит Сатторович Ғижирлашев, яъни Никита Сергеевич Хрушчевнинг куни битиб бораётганга ўхшайди, нарх-наво жуда кўтарилиб кетмоқда. Шарқ донолари «Фуқаро ғамини емаган арбоб узоққа бормайди», деганлар. Хрушчев инсофни унутди — аввало деҳқону чорвадорга жабр-ситам қилди, солиқни ҳаддан зиёд ошириб юборди, ҳатто эчкигаям солиқ солди-я. Шундай бепоён ва бой мамлакат бўлатуриб, ғалла деганиниям чет элдан сотиб олиб ўтирсаг-а?! Ё алҳазар!.. Ўғлим, инсофли йигит кўринасан, шунинг учун ҳам бу гапларни сенга юрак очиб айтаяпман. Шу ҳақда, албатта ҳозир эмас, бир кунмас бир кун ёзарсан...»

Ғафур Ғулом башорат қилган экан. Орадан беш ой ўтар-ўтмас 1964 йилнинг 14 октябрида Хрушчев лавозимларидан четлаштирилди.

Ҳа, инсофни унутган узоққа бормас эди.

1964 йилнинг ёзида «Ўзбекистон маданияти» газетасида кинодраматургия муаммоларига бағишлаб махсус саҳифа ёритиладиган бўлди. Суҳбату мақолаларни уюштириш кино санъати бўлимининг мудири сифатида менинг зиммамга юклатилди. Мўлжалланган муаллифларнинг аксарияти Тошкентда бўлиб, фақат икки муаллиф бошқа жойда экан. Мақсуд Шайхзодага—Малеевкага хат юборилдию, Дўрмонга — Абдулла Қаҳҳор ҳузурига суратгир Содиқ Маҳкамов билан бордик.

Абдулла Қаҳҳорнинг суҳбат асносида шундай degani ҳамон ёдимда:

— «Ўзбекфильм»нинг босмачиликка бағишланган ленталари бир-бирига ямалса, узунлиги Тошкентдан Тўйтепагача борар. Инсоф ҳам керак-да!

Ўшанда домланинг бу иборасига эътибор бермаган эканман. Бора-бора бу гапнинг тагида Тошкентда ва Тошкент музофотида кенг қўлланиладиган машҳур халқ мақоли — «Аҳмоққа Тўйтепа нима йўл»га ишора этганига тушуниб етдим. Бу — биринчидан. Иккинчидан эса Абдулла ака «Ўзбекфильм»да ишланган фильмларда босмачилик ҳаракати юзаки ва пала-партиш ифодаланишини танқид қилган. («Босмачилик» деган атама тагида аслида таърифни сохталаштириш, бир ёқламалик, ўтмишимизга ҳурматсизлик ётади. Менимча, бу атамани Туркистондаги фуқаролар уруши, миллий озодлик ҳаракати дейиш тўғридир, тарихий ҳақиқатдир. Бу ҳам инсоф доирасига киради). Шунинг учун ҳам адиб «Инсоф ҳам керак-да» деган экан...

...Н. С. Хрушчев ҳукмронлигининг сўнгги даврида, аниқроғи, 1964 йили расмий мажлисбозлик жуда авж олиб кетди — газетачилар тунни тонгга улаб ишлашга мажбур. Хрушчев қатнашган ҳар бир йиғин ҳисоботини ёритиш шарт эди. Редакцияларда иш соатлари ўзгартирилиб, кўпчилик тушдан кейин, навбатчилар эса кечқурун ишга келиб, эртасига газета чиқиб бўлгач, уйларига қайтардилар. 1964 йилнинг октябрлари эди. «Ўзбекистон маданияти» газетасида навбатчилик қилиб ўтирардим. Учта саҳифага қўл қўйилган эди, фақат биринчи саҳифа ушлаб туриларди. Сабаби—ҳордиқ чиқараётган Н. С. Хрушчев Қримда дам олаётган чет эллик давлат арбобини қабул қилгани ҳақидаги ахборотнинг келишини кутаётган эдик. Дафъатан кутилаётган нарса қолиб кетиб ЎзТАГдан бошқа хабар кела бошлади. Бу Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 40 йиллик юбилейи муносабати билан ўзбек халқи номидан шеърий хат матни эди. Унда шундай бир сатр ҳам бор эди:

— Ал-Жавҳарий фарзандим самоға учган эди...

Ал-Жавҳарийнинг кимлиги ҳаммамизни қизиқтириб қолди... Шайх аканинг уйига телефон қилдик:

— Салом! Ўзларидан сўрасак!..

— Домла, ал-Жавҳарий ҳақида маълумот берсангиз.

— Ал-Жавҳарий Хоразм ўғлони, биринчи ўзбек фазогири, яъни космонавти. Мавлоно Беруний замондошларидан. Москвада Ленин кутубхонасида Беруний ҳақида драматик асар ёзиш учун хомашё тўплаган кезларимда Ал-Жавҳарийга оид маълумотларга ҳам дуч келдим. Тарихий ҳужжатларнинг шаҳодат беришига кўра Ал-Жавҳарий махсус қурилма — қанот яратиб, фазога биринчи бўлиб учибди. Бу ўнинчи асрда юз берибди. Дарвоқе, бу маълумотлар редакцияга нечук керак бўлиб қолди? Ёки шунчаки ишқибозликданми?

— Йўқ, ишқибозликдан эмас. Газетхонлар эътиборига ҳавола тарзида шеърий мактуб остида Ал-Жавҳарий ҳақида бир оғиз шарҳ бермоқчимиз.

— Офарин! Офарин! — Шайх ака овозида севинч туйғулари барқ уриб кетди. — Инсоф қилибсизлар.

Мақсуд Шайхзода маълумотига асосланиб, шеърий мактуб остида эскартиш — редактор изоҳи бериладиган бўлди. Кутилмаганда яна бошқа кўрсатма келиб қолди — шеърий мактуб газетадан олиб ташланди. Кейин билсак, бизлар газета тайёрлаб ўтирган онларда Н. С. Хрушчев ҳокимиятдан четлаштирилган экан. Шеърий хатнинг совет даврига оид қисмига Н. С. Хрушчев шаънига олий мақтов сўзлар айтилган эди. Катта ёшли китобхонларнинг ёдларида бўлса керак, ўша кезлари Тошкентнинг барча катта кўчаларию майдонларига, иморатларнинг пештоқларига «Азиз Никита Сергеевич, коммунизмнинг Шарқдаги машъали — Ўзбекистонга хуш келибсиз!» деган шиорлар осиб қўйилган эди. Вазият ўзгаргач, бир кечадаёқ буларнинг ҳаммаси олиб ташланди. Гўё ҳеч гап бўлмагандай, куни кеча «Азиз» дея олқишланаётган одам бугундан бошлаб бадном қилина кетди, бунга тиллари қандай борди, билмадим, билолмадим, ҳамон билолмайман. Бир зумда 180 даража ўзгара оладиган кишида инсоф бўлишига кўзим етмайди.

Ўзбекистон юбилейи ўн кун орқага сурилди. Ўша шеърий мактуб ўрнига бошқа шеърий мактуб босилди. Бунисида ал-Жавҳарий номи тилга олинмаган эди. Шайх ака билан кейинги бир учрашувда шу ҳақда сўз очганимда, домла бундай деб жавоб бердилар.

— Омон бўлсак, Берунийдан кейин ал-Жавҳарийга ҳам тўхталсак ажаб эмас...

Ғаддор дарду бевақт ўлим Шайх аканинг бу орзуларини рўёбга чиқармади. Лекин орзу то амалга ошмагунига қадар ҳужум қилаверар экан, устозлар етолмаганга шогирдлар етарканлар.

Инсоф ҳақида сўз борар экан, яна бир ёзувчи ҳақида тўхталмай ўтолмайман. Бундан ўн икки йил аввал — 1978 йили тақдир тақозоси билан ёзувчи Раҳмат Файзийнинг 60 йиллигини ўтказувчи комиссиянинг масъул котиби сифатида, бир қаламкаш сифатида адиб ижоди ҳақида газета-журналларнинг илтимосига кўра бир неча мақола ва мақолачалар ёздим, булар матбуотда босилди. Орадан ўн йил ўтиб, Раҳмат Файзий 70 ёшга тўлди. Агар унинг 60 ёшини катта-кичик еттита мақола ёзиш билан табриклаган қаламкаш бўлатуриб, 70 ёшга тўлган кунида миқ этмасам, юбиляр жилла қурса дилида «ҳа, у ҳам замона зайлига бериладиганлардан экан-да» дейиши мумкин. Умуман, инсон ҳаммадан эмас, юрагига яқин олиб юрадиган қадрдонидан ўпкалайди, лекин бу гинакашликка кирмайди, оқибат кутишга киради. Одамзот-да! Юрак нозик! Кўнгил — чинни пиёла! Лекин кўриб турибмиз, ошкоралик, қайта қуриш ниқоби остида қанчадан-қанча «улуғ зот»лар инсофларини ютиб, турғунлик йилларида азоб чекканмиз, ҳатто фалончи-фалончиларгача тик қарши чиққанмиз, ҳатто Рашидовни ҳам танқид қилганмиз», дея лўттивозликка ўтаяптилар. Лекин эл-юрт ким қанақалигини билган, билади ва билажак. Вақт — бош ҳакам. Тарих — улкан бир кўзгу. Тенгдош ҳамкасабалари ичида Шароф Рашидовга вафотидан кейин маломат тошларини отмаганлар агар иккита бўлса, шулардан биттаси Раҳмат Файзий бўлиб қолди — инсофни унутмади.

Раҳмат Файзий кўпгина насрий, кино ва публицистик асарлар муаллифи эканини кўпчилик билади. У ҳақда анча ёзилган, холис баҳоси берилган. Мен бу сафар унинг ижоди ҳақида эмас, балки шахсига оид уч лавҳани ҳикоя қилиш билан чекланмоқчиман.

Эллигинчи йилларнинг бошлари. Раҳбарлар Раҳмат Файзийни суҳбатга чақириб, меҳрибонлик кўрсатишмоқчи бўлишади (ўша пайтда у оиласи билан Хадра атрофида, Қўрғонтеги маҳалласида, сойликда жойлашган пастқам, путури кетган кичик бир ҳовлида яшарди).

— Раҳматжон, каталакдек ҳовлида сиқилишиб қолганингиздан хабаримиз бор. Сизга Сталин кўчасидаги 4-уйни беришга қарор қилдик.

— Сталин кўчасидаги тўртинчи уйни деяпсизларми? — қулоқларига ишонмай қайта сўради ёзувчи.

— Ҳа, доҳий Сталин кўчасидаги тўртинчи уй.

Таажжубда Раҳмат Файзий ўрнидан туриб кетди.

— Ие, бу Шайх аканинг уйи-ку.

— Ўтиринг, ука, ўтиринг! — деди дағдаға билан раҳбарлардан бири. — Энди ҳеч қанақа Шайх акаларингиз йўқ. Сизга уят шу номни тилга олиб ўтиришнинг ўзи ҳам. Бизлар сизга мурувват қилаяпмиз, жўжабирдай жон экансиз, кексайиб қолган онангиз бор экан.

— Мурувватингиз учун катта раҳмат, — дейди Раҳмат Файзий. — Ойимнинг олдиларидан бир ўтай. Келиб сизларга жавобини бераман.

— Майли, лекин тезроқ бўлсин, шаҳар марказидан уй оламан деганлар қалашиб ётишибди, — деди раҳбар. У Раҳмат Файзийнинг жавобини бир сиполикка йўйган эди, холос.

Лекин Раҳмат Файзий Мақсуд Шайхзода яшаган, бутун жамоатчиликда «Шайх ака уйи» сифатида маълум бўлган уйга кўчиб ўтишни сира истамасди, онасининг жавоби қандай бўлишини яхши ҳис қиларди: «Эгасига вафо қилмаган уй сенга вафо қилармиди? Қолаверса, инсофдан бўлмайди бу. Эл-юрт кўзига тик қараб бўлармиди, эгасидан ордона қолган уйда ўтириб. Ҳалолидан берсин ўзингга, ўғлим».

Раҳмат Файзий «Онам кўчиб ўтишга сира унамаяптилар» деган баҳонани сабаб қилиб кўрсатиб, Шайх ака яшаб, ижод қилган уйни эгалламайди. Шу тариқа Шайх акага ҳурматини, адабиётга ва одамгарчиликка эътиқодини кўрсатади, «Мақсуд Шайхзоданинг уйини эгаллаб олган фалончи» деган маломатдан бир умрга озод бўлиб қола олган. Буни инсоф билан иш тутиш деса бўлади. Энг муҳими, Мақсуд Шайхзода айбсиз қамалганига ишонган кишилар — ҳамкасабалари ва мухлисларининг Шайх аканинг қайтиб келишига, адолатнинг тикланишига умидлари кучаяди. Ўшалар, ундан кейинги авлодлар, мана бизлар, ва, албатта, бу воқеа етиб борадиган келгуси авлодлар ҳам «Раҳмат Файзий инсофли экан» дейишларига ишонаман.

1951 йили Раҳмат Файзийни кутилмаганда яна шошилинч чақириб қолишади. Эндиги суҳбат «Ўздавнашр» директорининг ишхонасида бўлади. У кирганда нашрнёт директори, бош муҳаррири ва масъул муҳаррири кутиб ўтиришарди.

— Ўртоқ Файзий, — дейди расмий тусда нашриёт директори салом-аликдан кейин, — жўжабрдай жон экансиз, кекса онангиз ҳам сизнинг қарамоғингизда экан. Сизни моддий-маънавий рағбатлантириш мақсадида ва яхши ҳикоялар, очерклар ёзаётганингизни инобатга олиб, таржимонлик ишига ҳам жалб этишга қарор қилдик.

— Раҳмат, агар қўлимдан келса...

— Қўлингиздан келади, — дея гапга қўшилади бош муҳаррир, — мана буни таржима қиласиз.

Раҳмат Файзий китобни қўлига олиб қарасаки... Бу Войничнинг «Сўна» романининг рус нашри экан. Китобга тикилиб жим қолади.

— Биздан таржима сўраганлар сон мингта, лекин сизга ҳурматимиз жуда баланд, — дея гапга суқилади масъул муҳаррир. — Айниқса, директоримиз сизни жуда-жуда ҳурмат қиладилар. Номзодингизни ҳам илк бор шу киши тилга олдилар, бизлар эса шу фикрни қувватладик, холос.

— Лекин бу китоб ўзбекчага таржима қилинган-ку, — дейди Раҳмат Файзий, — фикрининг исботи учун яна қўшиб ҳам қўяди: — Ўзим ҳам ўқиганман.

— Таржимаси йўқ! — дейди директор.

— Мирзакалон Исмоилий таржима қилган.

— Бундай номларни тилга олманг, — дейди дағдаға билан бош муҳаррир. — Айниқса, бундай расмий идораларда, бир пайтлари бўлган бўлиши мумкин, энди эса ундай таржима ҳам, унинг таржимони ҳам йўқ.

— Бизга янги таржима керак, тезда чоп этиш ҳақида буйруқ келган, — изоҳ берди масъул муҳаррир.

— Очиғини айтсам... шу гап шу ерда қолади деб ўйлайман, агар четга чиқса оқибати ёмон бўлади, буни айтиб қўйиш менинг партиявий бурчим... Гапнинг пўсткалласи шуки, бизга янги таржима эмас, янги таржимоннинг номи керак, — дейди директор ўз амал курсисида жуда ишонч билан ўтирган, кучли ҳимоячига ва суянчиққа эга бўлган амалдорларга хос бир қиёфа ва оҳангда.

— Раҳмат Файзиевич, бахтингиз кулиб боқди,— деди бош муҳаррир масалага аниқлик киритиш мақсадида сўзга аралашиб, — директоримиз вазифангизни осонлаштириб қўя қолдилар. Рухсат берсангиз ўша... ўзингиз ўқиган таржимани биз сизга нисбат бериб чоп этаверамиз.

— Хоҳласангиз, майли, корректурасини ўқишга қарашиб юборарсиз. Лекин таржима ҳақини тўла олаверасиз, — қўшимча қилади масъул муҳаррир кулимсираб.

— Булар иккинчи даражали масалалар, — дейди директор гапни қисқа қилишга интилиб. — Хўш, нашриётнинг расмий (бу сўзга урғу бериб чўзиб айтади) таклифига нима дейсиз, ўртоқ Файзий?

— Эртагача бир ўйлаб кўрай...

— Майли ўйлаб кўринг, ахир ўзбек совет китобхонларига жасорат ва адолатга, озодликка даъват этувчи, ҳалол, тўғрисўз, мард бўлишга чорловчи мана шу «Сўна» каби китоблар кўплаб керак. Энди сизга рухсат, эртага келасиз...

Раҳмат Файзий қабулхонага чиққанида бир ҳолатда эди, оғизда ҳалоллик ҳақида гап сотиб, амалда бунинг тескарисини қилаётганлар суҳбатини «ҳазм» қилиш осон эмас-да. Ўрта эшик қия қолган экан, шу пайт ичкаридан Раҳмат Файзийнинг қулоғига масъул муҳаррирнинг дўриллдоқ овози эшитилади:

— Мен Раҳматни биламан. У ўзини лаганга солиб, нархини оширмоқчи. Ичида жон деб рози бўлиб турибди. Мана, мени айтди, дерсизлар, эртага ўзи илтимос қилиб келади...

Эртасига Раҳмат Файзий нашриётга бормади. Индинига ҳам. Ундан кейин ҳам. Фақат телефонда «узр»ини айтди. «Ўйлаб ҳам кўрдим, ҳаракат қилиб ҳам. Қўлимдан «Сўна»ни «Сўна»дек «таржима» қилиш келмас экан...

Орадан йиллар ўтади. Ҳақ қарор топиб, Мирзакалон Исмоилий қамоқдан қайтиб келади. Кунлардан бир кун бояги масъул муҳаррирнинг ўзи ўша «суҳбат» ҳақида Мирзакалон Исмоилийга гапириб беради. Мирза ака эса Раҳмат Файзийга телефон қилиб, бундай дейди:

— Раҳматулла, эшитдим, иним. Инсофли одам экансиз, раҳмат!

Орадан анча ўтди. Олтмишинчи йилларнинг бошида Раҳмат Файзий бизнинг маҳаллага, яъни Кўкча даҳа, Оқлон маҳалласидан ҳовли қилиб кўчиб келди. Бу пайтда у «Ўзбекфильм» киностудиясида бош муҳаррир эди. Уни жумҳурият Вазирлар Кенгаши раҳбарларидан бири иш вақтидан кейин, кечки соат саккиз-тўққизлардан ошганда зарур топшириқ бўйича йўқлаб қолади. Ёрдамчиси уни Раҳмат Файзий билан боғлай олмайди. Маълум бўлишича, ҳали унинг уйига телефон тушмаган экан. Табиийки, ўша ондаёқ телефон тушириш ҳақида буйруқ кетади. Вазирлар Кенгашидан Алоқа вазирлигига, вазирликдан шаҳар телефон станциясига, ундан эса...

Хуллас, ҳаммаёқни остин-устун қилиб кўришса, бўш линия йўқ экан. Лекин бундай деб бўлармиди! Бўшми, бўш эмасми, бундан қатъий назар топиш шарт. Топишади ҳам. Устидан жиноий иш қўзғатилган, лекин ҳали тергов тугамаган шу маҳаллалик бир завод директори хонадонидаги телефонни Раҳмат Файзий ҳовлисига тушириб беришмоқчи бўлишади. Йўқ ердан йўндирдик, деб мақтанишади ҳатто. Раҳмат Файзий, турган гапки, масала нимада эканлигини суриштиради. «Бу телефонни ишлатиб келган одам аспаласофилинга қийб бўлиб кетаяпти», дейишади оғизларини тўлдириб.

— Ҳм, шунақами? — дейди Раҳмат Файзий. — Менга ундай телефон керак эмас.

Телефончилар қулоқларига ишонишмайди:

— Қўйинг-е, Раҳмат ака. Барибир бу телефон кимгадир олиб берилади. Сиз олдингиз нима-ю бошқаси олди нима?

— Керакмас.

— Бўлмаса, яна беш йил кутасиз, бу ёқларга ҳаливери янги кабель ётқизилмайди.

— Майли.

— Бизни ҳам ўйланг-да, ахир бошлиқларимизга нима жавоб қиламиз?

— Уларга ўзим айтаман, рад қилдим, дейман.

Орадан кўп ўтмай завод директори оқланиб, ҳибсдан қайтиб келади. Уйидагиларнинг унга энг аввало айтган хабарларидан биттаси шу эди: телефонимизни Раҳмат Файзийга олиб беришмоқчи ҳам бўлишди-я, лекин у рад қилди.

— Инсофли одам экан-да, — дейди шунда озодликка чиққан киши ҳаётга завқи, адолатга ишончи ошиб.

Маҳаллада бўлиб турадиган тўй-ҳашамларда, мусибатли маъракаларда ёзувчи билан собиқ завод директори гоҳо-гоҳо учрашиб қоладилар, ҳофизларнинг хонишини сел бўлиб эшитиб, бир пиёладан чой ичиб, бир лагандан ош ейдилар, ўртада ҳурмат баланд. Бунинг бош омили яна ўша ўзимиз олқишлаган ИНСОФ!

УЙ, КИТОБ ва ТЕЛЕФОН билан боғлиқ воқеаларда ёзувчи Раҳмат Файзий шахсияти яққол кўринган. Буларни ҳам адиб яратган маънавий китоблар дейиш жоиз, уларнинг аҳамияти «Ҳазрати инсон» романи, «Сен етим эмассан» киносидан кам эмас, чунки булар «Ибрат» китобларидир, булар оғиздан оғизга кўчиб, яшаб қолаверади.

...«Инсоф»нинг то шу еригача бўлган қисми 1988 йилнинг 2 декабрида «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасида қисқартириб босилган эди. Орадан икки йилча ўтгач, уни қайта кўриб чиқиш асносида қуйидагиларни унга қўшдим.

1988 йилнинг 3 декабрида Раҳмат Файзийнинг йигирмалик маъракаси бўлиб, наҳор оши тарқатилди. Маъракага келган ҳамкасабаларининг аксарияти ана шу «Инсоф»дан сўз очдилар, мени яхши чиқиш билан табрикладилар. Улар шундай деб ўйлашибдики, гўё мен бу мақолани Раҳмат Файзий вафотидан кейин ёзибман, йигирмалик маъракаси олдидан чиқарибман. Аслида эса уни анча олдин — ўша йилнинг ёзида ёзиб, «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасига топширган эдим. Неча марта мурожаат қилишимга қарамай, мақола ҳа деганда босилавермади, суриштириб эдим, бундай жавобни эшитдим: «Мақолада Раҳмат Файзий ҳақида ҳам сўз юритилган экан, ҳозирча у ҳақдаги нарсани босолмаймиз, гап тегиб қолиши мумкин. Ахир, у собиқ (марҳум дейишмади) Рашидовнинг қадрдонларидан-да. Мақолангиз бизда тура турсин. Агар юқоридан Раҳмат Файзийнинг етмиш йиллигини нишонлаш ҳақида буйруқ бўлиб қолса, ундан фойдаланармиз».

1988 йилнинг 10 сентябрь куни эрталаб соат 11 ларда Раҳмат акани муборак ёши билан табриклаб унинг хонадонига кириб бордим, бостирилмаган «Инсоф»имнинг иккинчи нусхаси сўнгги саҳифасига табрик сўзларимни ёзиб, қутловнома сифатида топширдим. Узун пешайвонда суҳбатлашдик. Куни кеча редакцияга топшириб келдим, «Яқин орада ёритамиз» деб ваъда беришди, дея мақола икки ойлардан бери босилмай ётганини Раҳмат акадан яширдим. «Эзгу ишнинг сираям кечи йўқ, раҳмат, ука, — дея Раҳмат ака ташакур билдирди, томоғига бир нима тиқилгандек бўлиб ютиниб қўйди. — Шу бугуноқ ўқиб чиқишга ҳаракат қиламан».

Шу пайт дастурхон тузаётган Манзура кеннойининг кўзларида ёш халқаланганига нигоҳим тушди. Балки бу миннатдорчилик кўз ёшларидир. Балки бу ўкиниш кўз ёшларидир. Негаки турмуш ўртоғининг нақадар зўр тўй-тантаналар билан ўтказилган олтмиш йиллигини эслаган, нишонланмаётган етмиш йиллигига қиёслагандир: «Наҳотки одамлардан меҳр-оқибат, инсоф кўтарилиб кетган бўлса?!» Чунки Раҳмат Файзийнинг олтмиш йиллигига «Ўзбекистон маданияти» қўш саҳифа бағишлаган эди, бошқа деярли ҳамма рўзномалар бутун саҳифа ёки туркум мақолалар бахшида этишганди, журналлар ҳам мақолалар ва асарларидан парчалар чоп этган эдилар. Энди эса ҳеч гап йўқ. Ҳаттоки Ёзувчилар уюшмасининг одатдаги табрикномаси ҳам юборилмади ва матбуотда ёритилмади. Наҳотки Раҳмат Файзий орадан ўн йил ўтиб бошқа одам бўлиб қолган бўлса. Йўқ, у ўша-ўша меҳр куйчиси Раҳмат Файзий эди. Фақат раҳбариятнинг, жумҳурият раҳбариятининг унга муносабати ўзгарган эди. Чунки у янги, яъни 1986 йилги раҳбариятнинг йўриғига юриб, Шароф Рашидовга маломат тошларини отганлар қаторидан ўрин олмади — инсофини унутмади.

Мен ўша куни Раҳмат ака билан соат 13 ларгача суҳбатлашиб ўтирдим. Бу орада почтальон «Совет Ўзбекистони» газетасининг шу кунги сонини бериб кетди. Газетада Раҳмат Файзийнинг «Меҳр» деган публицистик мақоласи босилиб, унга муаллиф ҳақида тўртта гап илова қилинганди, холос. Айтгандай, шоира Ҳалима Худойбердиева телефон қилиб, «Саодат» журналининг янги сонида «Ҳазрати инсон» романининг иккинчи китобидан парча босилаётганини хабар қилиб, Раҳмат аканинг кўнглини кўтарди. Ярим асрлик ҳамкасабаларию ижодий ташкилотлардан эса садо йўқ эди. Раҳмат Файзийнинг олтмиш йиллиги арафасида ва тўй кунлари хонадонидан қутловчилар аримаганди, телефони жиринглашдан тўхтамаганди. Мен шуларга шоҳид бўлган эдим.

Ҳайтовур адибнинг меҳрибон ўғил-қизлари, невaралари бор экан. Биринчи бўлиб Гўзалхон исмли ўртанчи қизи катта гулдаста кўтарганича кириб келди, адибни туғилган куни билан табрик этди. Мен рухсат сўраб, ўрнимдан қўзғалдим. Орадан бирор соат ўтар-ўтмас уйимдаги телефон жиринглади. Раҳмат Файзий экан: «Инсоф»ни ўқидим. Инсоф ҳақида инсоф билан ёзибсиз. Раҳмат, ука».

Халқимизга, биринчи навбатда унинг зиёлиларига саксонинчи йилларда ҳам, айниқса Ўзбекистон Компартиясининг XVI пленумидан кейин кўп инсофсизликлар қилинди. Инсофсизликка дучор бўлганлардан бири Раҳмат Файзий эди. Яхши ишлаб турган еридан мажбуран пенсияга чиқарилди, бировга бу ҳақда бир нима демадию, шунинг ўзи ҳам ўзига оғир олганини билдиради, ҳамма-ҳаммасини ичига ютди, кўринишидан бинойидек бўлса-да, ич-ичидан хасталанди. 5 ноябрда касалхонадан уйига қайтганидан хабар топиб, 8 ноябрда кўнгил сўраб чиқдим. Тўла соғаймай келгани ранг-рўйидан шундоққина билиниб турарди. Бу бизларни охирги учрашувимиз, охирги суҳбатимиз экан. Кейин билсам, 10 ноябрда уни яна касалхонага олиб кетишибди. 18 ноябрда Ўзбекистон халқ ёзувчиси Раҳмат Файзий Кўкча даҳасидаги шайх Зайниддин қабристонида янги хилхонага дафн этилди. Ўша кунги маросимдан олдин Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси бошқарувининг ташкилий ишлар бўйича котиби «Марҳумни Чиғатойдаги ҳукумат қабристонига дафн этамиз, ахир у кимсан Ўзбекистон халқ ёзувчиси, қабрига бюстини ўрнатамиз» деб туриб олса бўладими. Йўқ, марҳумнинг оиласи бунга розилик бермади. Шунда Шайх аканинг:

Дўстлар, яхшиларни авайлаб сақланг,
Салом деган сўзнинг салмоғин оқланг.
Ўлганда юз соат йиғлаб тургандан
Тириклик чоғида бир бора йўқланг.

деган мисралари ёдимга тушиб кетди. Ҳар сафар ўша котибни (эндиликда собиқ) кўрганимда ўша воқеа хаёлимдан ўтади, ибратомуз ўша тўртликни ичимда такрорлаб қўяман.

Мана, орадан бир неча йил ўтди ҳамки, Раҳмат Файзий қабрига ҳатто оддий мармар тахта ҳам ўрнатилгани йўқ.

Ошкоралик туфайли биз то шу пайтга қадар мусаффо деб ҳисоблаб келган машҳур кишиларнинг бошқа қирралари ҳам очилиб қолмоқда. Марҳум адиб Ҳабибулла Қодирийнинг отаси Абдулла Қодирий ҳақидаги ҳужжатли қиссасида мен юқорида инсофли одамлар сирасида тилга олганим Ғафур Ғулом билан Абдулла Қаҳҳорнинг инсофни унутган онлари ҳам ҳужжатлар асосида тасвирланган. Лекин бу деган сўз Ғафур Ғулом, Абдулла Қаҳҳор ҳамиша инсоф билан иш тутмаганлар, деган маънони билдирмайди. Баҳо беришда тарозининг палласига ҳам савоб ишларни, ҳам гуноҳ ишларни қўйиш шарт. Ана шунда инсоф билан иш тутилган бўлади. Инсоф одиллик дегани ҳамдир.

Фақат билиб қилинган гуноҳни кечириб бўлмайди. Билмасдан қилган гуноҳи учун осий банда узр сўраса, узрини қабул этмоқ мумкин. Бу ҳам инсоф йўлига киради.

Айрим тириклардан вафот этганлар ҳушёрроқдир, деган гапда жон бор экан. «Инсоф»нинг янги қисмини ёзиш асносида баъзи нарсаларни аниқлаб олиш мақсадида Манзура кеннойига телефон қилдим.

— Абдуқаҳҳор, буни қаранги, бугун сиз телефон қиларкансиз, акангизни туш кўриб чиқувдим, — дедилар кеннойим. — Арвоҳ хотира деб мана шунга айтадилар-да.

Бу ҳам инсофга кирса керак.

Манзура кеннойи билан суҳбатлашганимизга ҳам бир неча ой бўлди. Эссени матбуотда ёритишга шошилмай келаётган эдим. Лекин бу саволни ишни орқага суришнинг иложи топилмай қолди. Кўнглим алағда бўлавериб, хотиржамлигим йўқолди. Бу орада Янги йил арафасида Раҳмат ака тушимга кирдилар, ўз йўлингиздан юраверинг, дедилар. Бу ҳолнинг боисини суриштириб билиб ва муқаддас китобни кўриб аниқлашимча, марҳум ва марҳума яқинларим, хеш-ақраболарим дуои фотиҳа талаб бўлиб қолибдилар. Аждодларим, хеш-ақраболарим хилхоналари жойлашган шайх Зайниддин қабристонини зиёрат қилдим, хатиб домла Раҳматилла қори билан бирга дуои фотиҳа талаб барча мўминлар, шайх Зайниддин бобо, бобом Иброҳимхожи Абдукарим ўғли, бувим Нисобиби, амакиларим, аммаларим, ҳамсояларим ва Раҳмат Файзий руҳи покларига тиловати қуръон қилдик. Тўнғич ўғлим Абдуқодирга хилхонамизни яна бир бор кўрсатиб, «Бандаликни бажо келтирсам, мана шу ерга, катта бобонг Иброҳимхожи қабрларининг оёқ тарафларига мени қўйинглар» деб ўтиндим. (На илож, туғилмоқ бор экан, ўлмоқ қисматдир, ҳеч ким ундан қочиб қутилган эмас). Шундан кейин кўнглим безовталиги тинчигандай туюла бошлади. Ишондимки, ўликлар тинч бўлмас эканлар, биз тириклар хотиржам яшай олмас эканмиз. Ўтганларни йўқлаб, эслаб туриш ҳам инсофнинг бош белгиларидан эканига инсон умрининг иккинчи бўлагида тушуниб етилар экан.

Инсофсизлик бор экан, инсофга чорлашдан сира ҳам тўхтамайлик, зотан, инсофсизликка ҳар қадамда учраб турибмиз. Яқинда мен ана шундай инсофсизликлардан яна бирига дуч келдим. Бу Ўзбекистон ССР адлия вазирининг биринчи ўринбосари Ю. А. Рукиннинг имзоси билан жумҳурият ташкилотларига юборилган расмий алоқа хати ва номаълум муаллифлар томонидан тузилган «Ўзбекистон ССРнинг Давлат тили тўғрисида»ги қонунига тузатишлар (?) ва қўшимчалар (?) киритиш (?) тўғрисида» деб аталган Ўзбекистон ССР қонунининг лойиҳаси эди. Мен бу «лойиҳа»да бешта инсофсизликни кўриб турибман.

Биринчидан, маълумки, Адлия вазирлиги қонун чиқарувчи маҳкама эмас, балки ижрочи ташкилотдир. Бу вазифа Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг тегишли комитети ваколатига тааллуқли. Наҳотки қонунни ҳимоя қилишга даъват этилган давлат ташкилотларидан бири бўлмиш Адлия вазирлигидаги ўртоқлар шу тартибни билмасалар? Йўқ, қонуншунос сифатида биладилар-у, лекин риоя қилмайдилар. Белгиланган тартибга бўйсунмаслик ҳам инсофсизликнинг айни ўзидир.

Иккинчидан бу «лойиҳа» зимдан амалга оширилган, ошкоралик замонида умумхалқдан яширин иш тутиш ҳам инсофдан эмас.

Аслида СССР Олий Кенгаши томонидан қабул қилинган ҳар бир ҳужжат каби «СССР халқлари тиллари тўғрисида»ги қонун ҳам аввало Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши сессиясида тасдиқланганидан кейингина жумҳуриятмиз ҳудудида кучга киради. Ваҳоланки, марказ чиқарган бу ҳужжат Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши сессиясида ҳали кўрилмаган, тасдиқланмаган қонунга асосан бошқа бирор ҳужжат қилиб қабул бўлмаслиги адлия ходимлари уёқда турсин, оддий саводхон фуқарога ҳам аён.

Учинчидан, ўзбек тили, демакким, ўзбек халқи тақдирига доир қонун лойиҳаси шу тилда ёзилмаслигида мен бориб турган инсофсизликни кўраман, балки бу — инсофсизлик чўққиларидан бири — менсимасликнинг худди ўзидир. Мабодо рус тилига доир қонун лойиҳасини шу тилда эмас, балки инглиз ёки хитой тилида ёзиб, РСФСР вазирликларига кўриб чиқиш учун юборилса, қандай бўларкин? Мен мутлақо нотўғри бўларди деб ҳисоблайман. Ҳар бир халқнинг, гарчи у кўп сонли ёки оз сонли бўлишидан қатъий назар, миллий ғурурига тегиш яхши оқибатларга олиб келмайди. Бу инсофсизлик, тамом-вассалом!

Пичоқни аввал ўзингга ур, оғримаса бировга, дейдилар. Адлия вазирининг биринчи ўринбосари Рукин қандай нуқсонга йўл қўйганини тушунармикин? Жумҳурият Адлия вазирлиги раҳбарлари, коллегия аъзолари орасида бу ҳолга холис баҳо берувчи инсофли ўртоқлар топилса ажаб эмас.

Тўртинчидан, Рукин тарқатган «лойиҳа»да 1989 йилнинг октябрь ойида қабул қилинган Ўзбекистон ССРнинг «Ўзбекистон ССР Давлат тили тўғрисида»ги қонуни асоссиз равишда, инсофсизларча «тафтиш» қилинади, рус тили ҳисобига ўзбек тилининг ўз жумҳуриятдаги қонуний ҳуқуқлари чекланади. Шундай интилиш борки, жумҳуриятда ўзбек тилини билиш шарт эмас, деган «ғоя» зимдан илгари сурилади.

Бешинчидан, Рукин ва у тавсия қилган лойиҳанинг номаълум муаллифлари Ўзбекистон ССРнинг Давлат мустақиллиги тўғрисидаги декларацияси де-Факто сифатида мавжудлигини эътироф этгилари келмаётгани ушбу матндан кўриниб турибди. Шу жумҳуриятда яшаб, бунинг устига раҳбарлик лавозимини эгаллаган ҳолда унинг мустақиллигини тан олмасликни мен инсофдан деб билмайман. Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг тегишли комитетлари Ю. Рукиннинг тавсияси ва ушбу «лойиҳа»ни ўрганиб чиқиб, инсофли сўз айтарлар, деган умиддаман. Токи қонун чиқариш, қонунга тузатиш ва қўшимча киритиш ишларида қонун кучда бўлсин, бу соҳа бедарвоза қолмасин.

Москва матбуоти, телевидение ва радиоси Ўзбекистонга ва ўзбек халқига қора бўёқ чаплашда қуюшқондан чиқиб, адолатни мутлақо унутиб юбормоқдалар. Бирор соҳа бўйича салбий мисол керак бўлиб қолса, кўз олдиларига фақат Ўзбекистон келади, салбий гап айтмоқчи бўлсалар, Ўзбекистондан сўз очадилар, гўё Ўзбекистон ёмонларнинг ёмони, гўё Ўзбекистонда ўзини ҳимоя қила олмайдиган ношуд кишиларгина яшайдилар, улар ҳамма гапни қабул қилиб, ичларига ютиб кетаверадилар, гўё бу ерда рад этишга, эътироз билдиришга қурби етмайдиган, ҳимоясиз одамларгина яшайдилар. Кундалик қайси бир рўзномани олманг, марказий радио ва телевидениенинг кўрсатув ва эшиттиришларини тингламанг, салбий мисол керак бўлса, Ўзбекистондан мисол келтириш одат тусига кириб қолган. Бунга энг янги далилни билмоқчи бўлсангиз, «Правда» рўзномасининг шу йил 28 январь сонида босилган «Мафияга қарши ҳамла» деган материални ўқиб кўринг. Унда СССР Давлат банкининг 1961 йил намунасидаги 50 ҳамда 100 сўмлик пулларини алмаштириш ва унинг самара ва оқибатлари ҳақида сўз юритилар экан, салбий мисол тариқасида 15 иттифоқдош жумҳуриятнинг фақат биттаси — Ўзбекистон номи тилга олинади, яъни ўша «пахта иши» эслатилади. Шуни ўқир эканман, дилимдан шундай туғёнли нидо ўтди: «Москвалик қаламкашлар, рўзнома ва ойномаларнинг муҳаррирлари, радио ва телевидение ходимлари, қачонгача Ўзбекистонни камситаверасизлар, инсофли бўлинг, биродарлар! Менсимаслик қачонгача?»

Зеро, инсофсизда инсоф бўлмас, қаёсизда ҳаё...

ЭРТАСИ ЁРУҒ...

Бу хушхабар юртимизнинг чекка-чеккаларига бир зумда етиб боргани-ю, шу кунни орзиқиб кутган пок ниятли кишилар дилига эзгулик олиб киргани рост.

«Пантуркист», «панисломист» каби гуноҳ тамғалари босилиб, жувонмарг кетган отанинг кўзида севинч ёшлари... Ана, юртнинг кўчалари оқ, эртаси ёруғ қондош эл сари сўқмоқ очилган, ватанининг бир сиқим тупроғини кўзига мосуво этгали чоғланган чолнинг ҳаяжони чексиз...

Худди ўша маҳал чет эл билан дўстлик ва маданий алоқалар Ўзбекистон жамиятида хайрли иш — «Ўзбекистон — Туркия» биродарлик жамиятига асос солинган эди. Таъсис этувчилар орасида «Чўлпон», Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриётлари, «Шарқ юлдузи» ойномаси, «Ўзбекистон адабиёти ва санъати», «Ойдин» ҳафтанома-ю рўзномалари қаторида «Халқ сўзи» ижодий жамоасининг ҳам борлиги қувончлидир. Жамият бошқаруви сафида рўзномамиз бош муҳаррири ўринбосари Анвар Жўрабоевнинг иштирок этаётганлигини таъкидлаймиз.

Ўзбекистон жумҳурияти Фанлар академияси вице-президенти Иброҳим Искандаров-дек нуктадон олиму фозиллар бош бўлган янги жамиятнинг фаолияти ўз номига муносиб бўлсин!

Абдунаби ЭРГАШ ўғли.

1991 Алишер Навоий йили

ЁДЛАБ ОЛИНГ

ЧУН ХАНЖАРИ ҲАЖРИНГ МАНГА ҚАТЪ ЭТТИ ҲАЁТ,

БОРИ ҒАМУ ДАРДИНГ УҚИНИ ТИНМАЙИН ОТ,

КИМ ОНЧА ҚОВУРСУН ПАР УЛУБ БУТСА ҚАНОТ,

ТОЙИР БУЛУБОН ЕТГАМЕН ОХИР САНГА БОТ.

Юрагингнинг завқу шавқ, ғурур, юксак эътиқод садолари авж пардада янграсин, болакай.

А. ЖДАНОВ олган сурат.

Ахлоқ-одоб ҳадислари

71. Одамларга яхшилик қилиш ва қариндошлар билан яқин алоқада бўлиб ҳол-аҳвол сўрашиб туриш бу савоби тез тегадиган хайрли ишлардандир. Зулм ва қариндошлардан узилиб кетишлик эса жазоси тез билинадиган ёмон ишлардандир.
72. Ҳамма ишларингизда тўғри бўлинг, одамларга муомалада хулқингиз чиройли бўлсин!
73. Одамларга кенг қалбли бўлинглар, шунда одамлар ҳам сизларга шундай бўлурлар.
74. Гарчи сизларга қора майиз каби қоп-қора бошли ҳабаш қул бошлиқ қилиб сайланган бўлса ҳам, унга қулоқ солинглар ва итоат қилинглар.
75. Бу дунёда одамларга қаттиқ азоб берадиган кишиларни Тангри қиёмат куни қаттиқ азоблайди.
76. Одамларга шукур қилувчилар Тангрига ҳам шукур қилувчилардир.
77. Аҳмоқдан узоқлашинг.
78. Беш хил хислатга кафил бўлинглар, токи мен ҳам сизлар учун жаннатга кафил бўлай: 1. Меросларингизни тақсимлашда бир-бирларингизга хиёнат ва зулм қилманглар. 2. Одамларга ўзларингизча инсоф қилинглар. 3. Душман билан бўладиган жангларда қўрқоқлик қилманглар. 4. Ўлжа тақсимотида хиёнат қилмангиз. 5. Зулм қилувчилардан мазлумлар ҳақини ундириб беринглар!
79. Одамларга таом единглар ва ширин сўз бўлинглар.
80. Очларга овқат беринг, беморларни бориб кўринг ва ҳожатманднинг ҳожатини чиқаринг.
81. Гарчи Хитойда бўлса ҳам илмга интилинглар, чунки илм олишга ҳаракат қилиш ҳар бир мўминга фарздир.
82. Касбнинг энг яхшиси кишининг ўз қўли билан бажарадиган иши ва ҳалол савдодир.
83. Уйқуга кетишдан олдин чироқларни ўчириб, дарвозаларни беркитиб, сув идишлари ва озиқ-овқатларнинг устини ёпиб қўйинглар. Ёпгани нарса тополмасанглар, идишлар устига бирор чўп бўлса ҳам ташлаб қўйинглар.
84. Яхшиликни чеҳралари очиқ, хушрўй одамлардан кутинглар.
85. Учрашганда қайси бирларингиз биринчи бўлиб салом берсангиз, ўша одам Тангрига ҳам итоатлироқдир.
86. Ерни турли номларига қараб таниб олиш мумкин бўлганидек, дўстни ҳам дўстига қараб билиб олса бўлади.
87. Зоту насабларингиз (авлод ва аждодларингизни) яхши таниб олинглар, токи қариндошлар билан алоқа яхши бўлсин. Ўзи яқин тургани билан ўзаро муруввати бўлмаса, унинг яқинидан фойда йўқ. Ўзи узоқ тургани билан бир-бирига муруввати яхши бўлса, узоқлигининг зарари йўқ.
88. Хотинларнинг баракалироғи сарф-харажатни камроқ талаб қиладиганидир.
89. Одамлар ичида хотин кишига нисбатан ҳақлироғи унинг эридир. Эркак кишига нисбатан одамларнинг ҳақлироғи бу унинг онасидир.
90. Бешта нарсадан олдин бешта нарсани ғанимат билинг: ўлимдан олдин тирикликни, бетобликдан олдин саломатликни, бандаликдан олдин бўш вақтни, кексаликдан олдин ёшликни, фақирликдан олдин бойликни ғанимат билинг.
91. Бир-бирларингиз билан саломлашиб юринглар. Шунда ўрталарингда меҳру муҳаббат уйғонур.
92. Саломлашиб юринглар, одамларга таом единглар. Тангри буюрганидек ўзаро биродар бўлинглар.
93. Тангрига имон келтиришдан кейинги амалларнинг афзали бу одамлар билан дўстлашишдир.
94. Имоннинг афзали сабр ва кенг қалбли бўлишдир.
95. Садақанинг афзали соғлом вақтида хасислик қиладиган, яшашни хоҳлайдиган ва фақирликдан қўрқадиган ҳолида қилинган садақадир. Садақа қилишни узоққа чўзманг, жонингиз ҳалқумингизга келганда молимнинг бунчаси фалончига, унчаси пистончига, деганингиз билан фойдаси йўқдир, чунки у пайтда сиз айтмасангиз ҳам молингиз фалончиларники бўлур.
96. Садақанинг афзали етарли бойлиги бўла туриб қилинадиганидир. Пастдаги олувчи қўлдан юқоридаги берувчи қўл яхшидир. Хайру садақани ўз оилангиздан бошланг.
97. Садақанинг афзали чанқоқ одамларга сув улашмоқликдир.
98. Садақанинг афзали мўмин киши илм ўрганиб, сўнг бошқа мўмин биродарларига ҳам ўргатишидир.
99. Мўминларнинг афзали хулқ атвори яхшиларидир.
100. Кимгаки ақлу идрок насиб этилган бўлса, демак у омадлидир.

٧١- أسرع الخير ثوابا البر وصلة الرحم وأسرع الشر عقوبة البغي وقطيعة الرحم.
٧٢- استقم وليحسن خلقك للناس.
٧٣- اسمحوا يسمح لكم.
٧٤- اسمعوا وأطيعوا وإن استعمل عليكم عبد حبشي كأن رأسه زبيبة.
٧٥- أشد الناس عذابا للناس في الدنيا أشد الناس عذابا عند الله يوم القيامة.
٧٦- أشكر الناس لله أشكرهم للناس.
٧٧- اصرم الأحمق.
٧٨- اضمنوا لي ست خصال أضمن لكم الجنة لا تظالموا.
٧٩- أطعموا الطعام وأطيبوا الكلام.
٨٠- أطعموا الجائع وعودوا المريض وفكوا العاني.
٨١- أطلبوا العلم ولو بالصين فإن طلب العلم فريضة على كل مسلم.
٨٢- أطيب الكسب عمل الرجل بيده وكل بيع مبرور.
٨٣- إطفئوا المصابيح رقدتم وأغلقوا الأبواب وأوكئوا الأسقية وخمروا الطعام والشراب ولو بعود تعرضه عليه.
٨٤- أطلبوا الخير عند حسان الوجوه.
٨٥- أطوعكم الله الذي يبدأ بالسلام صاحبه.
٨٦- أعتبروا الأرض بأسمائها واعتبروا الصاحب بالصاحب.
٨٧- إعرفوا أنسابكم تصلوا أرحامكم فإنه لا قرب في الرحم إذا قطعت وإن كانت قريبة ولا بعد بها إذا وصلت وإن كانت بعيدة.
٨٨- أعظم النساء بركة أيسرهن مونة.
٨٩- أعظم الناس حقا على المرأة زوجها وأعظم الناس حقا على الرجل أمه.
٩٠- إغتنم خمسا قبل خمس حياتك قبل موتك وصحتك قبل سقمك وفراغك قبل شغلك وشبابك قبل هرمك وغناك قبل فقرك.
٩١- أفشوا السلام وأطعموا الطعام وكونوا إخوانا كما أمركم الله.
٩٢- أفشوا السلام بينكم تحابوا.
٩٣- أفضل الأعمال بعد الإيمان بالله التودد إلى الناس.
٩٤- أفضل الإيمان الصبر والسماحة.
٩٥- أفضل الصدقة أن تصدق وأنت صحيح شحيح تأمل العيش وتخشى الفقر ولا تمهل حتى بلغت الحلقوم قلت لفلان كذا ولفلان كذا ألا وقد كان لفلان.
٩٦- أفضل الصدقة ما كان عن ظهر غنى واليد العليا خير من اليد السفلى وابدأ بمن تعول.
٩٧- أفضل الصدقة أن يتعلم المرء المسلم علما ثم يعلمه أخاه المسلم.
٩٨- أفضل الصدقة سقي الماء.
٩٩- أفضل المؤمنين أحسنهم خلقا.
١٠٠- أفلح من رزق لبا.

ЎЗБЕКИСТОНДА ЕР ҚИМИРЛАДИ

1 февраль куни эрталаб Тошкент вақти билан 5 дан 4 минут ўтганида Ўзбекистоннинг кўпгина шаҳар ва қишлоқлари аҳолисини ерости силкинишлари уйғотиб юборди.

Тошкент сейсмология обсерваториясидан хабар қилишларича, зилзиланинг маркази жумҳурият пойтахтидан 590 километр нарида — Афғонистон ҳудудида бўлди.

Тошкентда зилзиланинг кучи 4—5 балл, Фарғона водийси шаҳарлари — Андижон, Наманган ва Фарғонада 5 баллга етган. Қаршида 6 балл куч билан ер силкинган.

Одамларнинг нобуд бўлганлиги ва иморатлар бузилганлиги ҳақида хабар йўқ.

(ЎзТАГ).

МИШ-МИШ СОВУҚДАН ЧЎЧИМАЙДИ

Январь ойининг сўнгги кунида фуқароларнинг жамғарма банкларига қўйган пул омонатлари 1 февралдан бошлаб қисман қайтариб берилмайди деган миш-мишлар кенг тарқалди. Ҳатто қаттиқ совуқ ҳам «ишонарли маълумотлар» тарқалишига тўсқинлик қилолмади. Буларнинг ҳаммаси аҳолини ташвишга солмоқда, фуқароларнинг оммавий ахборот воситаларига кўплаб мурожаатлари шундан далолат бераяпти.

ТАСС мухбири СССР Жамғарма банки бошқарувининг раиси Б. Хоркин билан боғланди, у қуйидагиларни маълум қилди:

СССР Вазирлар маҳкамаси ҳам, СССР Давлат банки ҳам, Жамғарма банки ҳам аҳолининг омонатларини, шунингдек банк сертификатлари ва заёмларни қайтариб беришни тўхтатиш тўғрисида қарор қабул қилмаган, бундай қарорни қабул қилмоқчи ҳам эмас. Мен бугун СССР Молия вазирлигидан телеграмма олдим. Унда тушаётган сўровлар муносабати билан қимматбаҳо қоғозлар муомаласининг одатдаги тартиби тасдиқланган.

Биз, деб давом этди В. Хоркин, 23 январдан бошлаб биринчи ярим йилда жамғарма банки ва бошқа барча банклар муассасаларида фуқароларнинг омонатларидан нақд пул беришни ойига 500 сўм миқдорида чеклаб қўйиш тўғрисидаги маълум қароргагина асосланамиз. Бу хусусда ҳам алоҳида ҳолларда: тўй, дафн маросими, чет элга жўнаб кетиш ҳолларида истисно бўлиши мумкин. Одамларда саволлар пайдо бўлаётганлиги муносабати билан жойлардаги ходимларимизга тушунтириш ишларини олиб бориш топширилди.

А. ОРИПОВ чизган расмлар.

Алмойи-алжойи ҳангома

ТАЖАНГНИНГ НАБИРАСИ

— Салом бердик, гўзиматчи укаларим, ҳей! Дўконниям очиб қўйибсила-ку, а? Жа, яхши-де, яхши-де... Моро бўсин! Бизаям мана энди отабувауззни касбини қилиб, кепкеп турваузэ-де, а? Ҳа, қоши ҳилол, оши ҳалол, қандингни урсанг-чи!

Энди, окоаси, ўзимни таништириб қўйий, а? Сила ёшсила, мани танимисила... Хўш... Бувауззни отлари Тошпўлат бўган. Тажанг диганда, вопше, Тошкан тугул, бутун исиссир билган. Ҳа, яшанг, танираккансиз, а? Энди бизани отузаге келганда... Э бу, жа интирис нарса, эшитинг. Мен туғилганда бу Ўзбекистонинг, китобледа ўзила ёзгандай, Чор Россиясининг қолоқ бир ўлкасидан энди гуллаб-яшнаган биёбонга айланвотган пайти бўганакан. Одамла челасовот бўган. Маминақа бизага ўхшаб грамотний бўмаган. Ҳозир ҳамма ёзишга уста-ку, у пайтда вопше билишмаган, чумоли изига ўхшатиб ёзишганакан. Ўшанақа бир мулла митрикамга чумоли изда «йидлатс» дип ёзиб қўйганакан. «Йидлатс». Тескари ўқи, тескари... Ҳа, отангга балли! «Сталдий». Сотволди, диганиде, Сотволди. Отим Сотволди аслида. Кегин, совнтингга раҳмат, маминақа бизани ёзуга ўхшаган лотинча ёзувда менга бошпурт берган. Ўшанда бошпуртчинг Сотволдини «Цотволди» дип, ўзи билганча ёзиб қўйганакан. Ҳа, Зотволди бўса Зотволди, вотли диганиде, диб юрвурганмиз. Кегин яна бошпурт алмашганда «Сотворди» дип ёзворипди, отангни арвойи! Энди бизга жа-а ҳалиги, юрадиган, чапани пайтуза. Оғайнила «Сатанг» дип чақирарди ўзузани орвузада. Ман Тошканда айвон шапканиям, силиндр шляпаниям биринчи кийган болладан бўлганманде. Ўшанчун «Сатанг». Шу, айвонни пешанага қийшиқ ўрнаштириб, хром этикни ғарчиллатиб бордим отделениясига. «Маши-маши, нотўғри ёзилиб қопти» дисам, ўтирган маржа «не панимай, усё правильно», дейди. «Пачему не понимай, я чего сотворди, кого сотворди» дисам, «Тиша, иди, исперва узнай, потом приходи» дип чиқарворган. Аввал билиб ка, киммни сотганийни, дейди-да. Ёзган у билмаса, ман қаттан биламан! Шу-шу бормадим. Борсамам, «не положена» дейди-да.

Энди, отвуза... Памилалари Тошпўлатоп бўмаганми. Бир жойда билмасдан «Ман беспаспиртиний камунисман. Памиламам ўрисчасига «Каменний Исталин» диворганаканла. Чақувдан бўлганми, ё улпатларини орасида иккивуди бўганми, ишқилиб, реприз қилворган. Недурки, сан Исталинга тош отмоқчи бўгансан, атайин шунақа памила оғансан, дип. Кейин бувамла, энди юрган болладанмасмила, биладиладе, бизани памилани Пўлатуп қип ёздирганла. 53-йилда замон мунақа тескари кетгандан кейин ока-укала маслаҳат қилдузаде, Тошив қип ёздирдуз. Локигин, барибир шу-шу отим бошпуртга ёзилганча Сотворди бўп қоп кетди... Энди ўт-бўтта «отиз нима» дисa, уяламан этгани. Ўша оғайнила қўйган от, «Сотти сатанг» дип таништирвураман ўзимни. Йўмаса отим Сотволди ўзи...

Энди мани кеганим сабаби. Газитла моро бўсин. Бизаям ота мерос газитчи. Бувамиза газитга кунда-кунора чиқиб турганла. Ўшала раҳматли этганларидек «гўзиматила» гуллаб-яшнасин, илойим. Локигин, бир гап аммо. Жа шу тилила чатоғакан. Жа эскича. Ҳаммаям тушиневермийди. Мақолматаллани кўп ишлатвотсилаякан, яхши. Локигин, эскила этгандай «Замон санга боқмаса — сан замонга боқ». Шу эскичасига «Калла бўлса — салла топилади» дип ёзиш шартми? Салллани ҳозир ҳаммаям билавурмийди. Ўшанийчун «Бош бўса шляпа топилади» диган яхши. Современнийроқ. Ё, ҳалиги «Эр-хотинни уриши — дока рўмолли қуриши». Ҳозир ҳеч ким дока рўмол ўрамийди. Қолвурса доканн ўзи анқонни уруғи, комерческий дўконда метри 10 сўм. Ўшанийчун «Эр-хотинни уриши — алиментти ташвиши» диган яхши. «Отаси — гаранг, ўғли — фаранг» эмас, «Отаси — парторг, ўғли — комсорг» — Ана! Ё бўмаса «Уста кўрмаган шогирд»... Буни «Мастер кўрмаган ученик лубой ритмга танса тушади» диса бўлади-ку. Шунаққилила, хўпми. Газит ҳаммага чиқади. Ўшанийчун ҳаммага тушинарли тилда ёзиш керак.

Хўп, майли. Ман борий. Витринани магазинида... ҳукуматдан айнанй, бизага ўхшаган заслуженнийларга льготала қип қўйган. Витринани магазинига очирид оп келувдим. Бугун кир совун билан тўрттадан говут бераркан. Ҳаннаде... Ман яна келарман, хайр...

...Ҳа, ўгитларимми газитга чиқарсанг, гўнурарини мани памиламга ёзгин, а. Эсингда қолдими:

«Сотворди ТОШЕВ».

СССР ДАВЛАТ ХАВФСИЗЛИГИ КОМИТЕТИДА

28 январь куни Москва ҳарбий округининг трибунали 1955 йилда туғилган, СССР Мудофаа вазирлигининг илмий-тадқиқот илмгоҳида илмий ходим бўлиб ишлаган майор Виктор Ильич Куценкони давлат сири ва ҳарбий сирни бошқа мамлакатга бериш шаклида ватанга хиёнат қилишга уринишда айблашга доир ишни кўриб чиқишни тугаллади.

Тергов ва суд мажлиси чоғида Куценко ўз айбини тан олди ва хизмат юзасидан фойдаланиши мумкин бўлган ҳужжатли материалларни ғаразли мақсадларни кўзлаб НАТО мамлакатларидан бирининг разведкаси вакилларига топширишга уринганлигини кўрсатди. Мазкур ҳужжатлардаги маълумотлар давлат сиридир.

Куценко жиноий фаолиятига чек қўйиш СССРнинг мудофаа ва давлат хавфсизлиги манфаатларига жиддий зарар етказилишининг олдини олишга имкон берди. Бу зарар юз миллион сўмдан кўпроқни ташкил этиши мумкин эди.

Трибунал қарори билан Куценкони 5 йил озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинди.

ҚУТЛОВ

Ҳурматли ва қадрли Аҳмад ТУРАТОВ!

Сизни қутлуғ 60 ёшингиз билан чин юракдан, самимий муборакбод этамиз. Соғлиқ-саломатлик, аъло кайфият, боқий умр тилаймиз. Бизнинг бахтимизга ҳамиша навқирон ва бардам бўлинг.

Фарзандлари, укалари, келинлари ва набиралари номидан:

Ботиржон ва Икромжон ТУРАТОВлар.

Жиззах райони, Ленин номли жамоа хўжалиги.

Бош муҳаррир: Аҳмаджон МУХТОРОВ.

Таҳрир ҳайъати: Анвар ЖЎРАБОЕВ (бош муҳаррир ўринбосари), Абдуқаҳҳор ИБРОҲИМОВ, Абдували ИМОМАЛИЕВ, Йўлдош ИСМОИЛОВ, Тоҳир МИРҲОДИЕВ, Турғун НАЗАРОВ (масъул котиб), Ҳабибулла ОЛИМЖОНОВ, Абдукарим РАҲИМБЕРДИЕВ (бош муҳаррир ўринбосари), Азим СУЮН, Тоиба ТЎЛАГАНОВА, Муҳтарама УЛУҒОВА, Сайди УМИРОВ, Норбобо ШАКАРОВ, Муҳаммад Содиқ Муҳаммад ЮСУФ, Ориф ЮНУС.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700000, ГСП
Тошкент шаҳри, Ленинград кўчаси, 19-уй.

Индекс: 64608. 4740-буюртма.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси.
1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12